

Муваффақият  
сирлари ёки  
машҳурлардан машҳур  
маслаҳатлар.

Таржимон ва тўплаб нашрга тайёрловчи: **Мухаммадамин Тўхлиев**

Тошкент

«Мухаррир» нашриёти

2010

## **БИЛГАНЛАРИМИЗ ҲЕЧ НАРСА ЭМАС....**

Астроном Лапласе, 78 ёшида ҳалигача ишини давом эттирар эди. Энг охирги сўзи ҳам шу бўлган:

— Билганларимиз ҳеч нарса эмас, билмаганларимиз чексиз....

## **70 ЁШГА КИРГАЧ ТИЛ ЎРГАНДИ**

Инглиз тилидаги илк луғатни яратган Самуел Жонсон, 75 ёшида ўлган эди.

Ўлимидан бир неча йил олдин, голланд тилини ўргана бошлаган эди.

Яна ўша йилларда эски Римлик шоир Виргилдан 800 мисра шеър ёдлайдиган даражада хотираси бор эди.

Ҳаётининг сўнгида уни гаплашолмайдиган даражага солган фалажга қарамасдан, зехнини текшириб кўриш учун лотинча дуолар ёзган эди.

## **АСЛ НУСХА**

Қаттиққўллик билан қўлга киритилган омад давомли бўлмайди.

- Куч-қувватни энг нотўғри йўлга сарфлаш энг катта исроф ва зарардир.
- Қувват ва зулм бош эгдира олиши мумкин, аммо кўнгилни фатҳ этолмайди.
- Кучли бўлган доимо ҳақли бўлиши керак эмас.  
(Аристотел)

## **САНЪАТГА ҲУРМАТ ВА ДАСТАК**

Усманийларнинг машҳур хаттоти Ҳофиз Усмон, султон Мустафога ёзишни ўргатган эди.

Ҳофиз Усмон ёзишни машқ қилар экан, Мустафо катта ҳурмат билан сиёҳдонни ушлаб турар эди. Бир куни ёзилган хатнинг чиройи қаршисида лол қолган подшоҳ:

— Усмон Ҳофиз бошқа чиқмайди, — деди.

Буюк хаттот Ҳофиз Усмон шу тарзда жавоб беради:

- Сиз каби, устозининг сиёҳдонини олиб юрадиган подшоҳлар чиқар экан, ҳали кўп Ҳофиз Усмонлар чиқади.

### **ДУШМАНЛИК ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЎНГЛАНАДИ?**

- Душманимни кечирсам, душман деган ҳеч нарса қолмайди. (Алаин)
- Яхшилар асло душман бўлмайдилар. (Алессандро Манзони)
- Енгилиши керак бўлган дастлабки душманлар, умидсизлик ва хафа бўлишдир. (Алаин)
- Доимо ўз манфаатини устун қўйган инсон, ўзига тез душман орттиради. (Конфуций)

### **ШОЯД!**

Америкалик театр ёзувчиларидан бири, илк ёзган асари тақдимотиغا Англия давлат арбоби Черчилни таклиф қилмоқчи бўлади. Унга иккита таклифнома жўнатади. Таклифномага ушбу хатни қўшимча қилганди:

- Таклифномаларнинг бири сиз учун, иккинчиси дўстингиз учун.... Шояд келса!.....

Черчилнинг жавоби шундай бўлган:

- Асарингизнинг тақдимотиغا бора олмайман.

Иккинчисига боришга ҳаракат қиламан.

Шоят саҳналаштилинг!..

### **ТАЪЛИМ НИМА?**

Америкадаги Вискансин университети деканларидан доктор Л.Ҳ.Адолфсон, таълимнинг инсон ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятини ушбу мисоллар билан тушунтириб берган эди:

- Қадимда учта отлик чўлдан ўтишаётган эди.

Қуриган дарёнинг ёнидан ўтишаётганда, ғойибдан бир овоз эшитдилар: “Тўхтанглар”, дерди у овоз. Дарҳол отларини тўхтатдилар.

Овоз бироз вақт ўтгач отларидан тушишларини айтди:”Ердан бир ҳовуч тош олиб чўнтакларингизга тўлдиришлар ва йўлларингда давом этишлар. Эртага куёш чиққанида ҳам хурсанд бўласиз, ҳам бироз хафа бўласиз”– деб илова қилди.

Отлиқлар айтилганларни қилиб йўлларида давом этишди.

Эртаси куни эрталаб куёш чиқаётганда қўлларини чўнтакларига солган уч отлиқ ғаройиб бир воқеага дуч келишди.

Тошлар олмос, жавоҳир, дур ва бошқа қимматли тошларга айланиб қолган эди.

Бу воқеадан жуда ҳам хурсанд бўлдилар. Чунки овоз айтганини қилиб, тошларни чўнтакларига тўлдириш, катта мол-давлатга эга бўлишган эдилар.

Бир томондан хафа бўлишаётган эди. Чунки ўзлари билан янада кўпроқ тош олишмаган эди.

\*\*\*

**Таълимнинг инсон ҳаётидаги тутган ўрни ва аҳамияти шу мисолдаги кабидир.**

**Инсон олган таълими муқобилида муваффақиятни қўлга кирита олади. Қўлидаги оддий тошларни, жавоҳирларга айлантириб олиши мумкин.**

### **ИНСОН ҚАЧОН КЕКСАЯДИ?**

Вилиам Гладстон, 70 ёшдан сўнг янги тил ўргана бошлайди.

Ундан:

- Неча ёш қариллик ёшидир? —деб сўраганларида шундай жавоб берган эди:
- Ақлий салоҳиятларимиз янги тажрибалар кашф этадиган вақтгача инсон ёш саналади.

## **БАЖАРГАН ИШИГА ЎЗИНИ БАХШИДА ЭТИШ**

Леонардо да Винчи машхур “Охирги таом” портретини ўн йилда тамомлаган.

Бир ишга шу даражада шўнғиб кетар эдики, бир неча кунлаб овқатланишни ҳам эсдан чиқариб қўяр эди.

## **КАСАЛЛИКЛАР МУВАФФАҚИЯТИНГИЗГА ТЎСИҚ БЎЛМАСИН**

Немис трагедия ёзувчиси Шиллер, энг катта трагедик асарини чидаб бўлмайдиган даражадаги жисмоний зўриқиш, оғир касал вақтида ёзган эди.

Машхур мусиқачи Хандел, уни дунёга машхур қилган асарини соғлиги ёмон ҳолда қаламга олган эди.

## **ЭНГ ОМАДЛИ ИНСОНЛАР ҲАМ ҲАЁТДА ОМАДСИЗЛИККА УЧРАШГАН**

Мунихдаги бошланғич мактаб ўқитувчиси, машхур физик Альберт Эйнштейнга ҳеч бир ишга яроқли эмаслигини айтишган эди.

Машхур америкалик шоир Эдгар Аллен Пое ва рассом Жон Вистер, Америка ҳарбий академиясидан ўзлаштиришлари паст бўлгани учун қувилган эдилар.

## **ПОЧТАЧИ ЭШИК ҚЎНҒИРОҒИНИ ИККИ МАРТА ЧАЛАДИ**

Жеймс М. Каиннинг “Почтачи эшик қўнғироғини икки марта чалади” номли романи 1934 йиллар бошларида жуда машхур бўлган эди.

Роман почта хизмати ҳақида эмас эди. Ишқ ва можаро романи эди.

Каин китобига мавзу билан боғлиқ бўлмаган ном беришига сабабни, китоби босилишидан олдин неча марталаб рад этилиши ва почта хизматчиси бу рад хатларини олиб келиши, ҳар келганида эшикни икки марта чалиши билан боғлаган эди.

Омадсизлик инсонни таслим қилмаслиги, аксинча ғайрат-шижоатини янада юксалтириши керак.

### **УЧТА НАРСАДАН ҚУТУЛИШ**

Бир вақтлар миллий таълим вазири бўлган Ҳасан Али Южел, “Хурриятга тўғри” деб аталган китобида, бир инглиз дўстининг унга ўлка шу уч нарсадан қутулганида ривожланиб кетишини ёзган эди.

У уч наrsa шулардир:

- Йўқ...
- Аста-секин ...
- Эртага кел...

Юқорида кўриб ўтилган 3 наrsa ҳам дангасалик, шижоатсизлик, умидсизликнинг ифодасидир.

### **ЎЛИМИДАН СЎНГ МАШҲУР БЎЛГАН РАССОМ**

Машхур рассом Ван Гок, хаёти давомида чизган расмлари бир неча бор рад этилган саънаткорлар орасидан ўрин олди.

Бугун бир портрети юз минглаб долларларга сотилаётган бу голландиялик рассом хаётлигида фақатгина “Қизил асма” номли расмини 1890 йил 400 франкка сота олган эди.

### **ФАРЗАНДИМ ОМАДСИЗ ДЕБ УМИД УЗМАНГ**

Винстон Черчил, Англиянинг машхур Сандҳарст ҳарбий академияси кириш имтиҳонларидан, учинчи марта топшириб ўтган эди.

Томас Эдисонни бошланғич синф ўқитувчиси, “ақли паст бола” эканини, ҳеч бир ишда муваффақиятга эриша олмаслигини айтган эди.

### **МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШИШДА ЕТУК ХОДИМЛАРНИНГ ЎРНИ**

Сармоя қанчалик муҳим бўлса, ходим тайёрлаш ҳам шунчалик муҳимдир.

Сармоя ва ходимнинг аҳамият нисбати баробар, деб билардим.

Ҳозирги кунда эса сармоянинг ҳиссаси 40 %, ходимники 60 % деб ҳисоблайман. Бир ташкилотнинг асосий бўғимидаги ходимлар нақадар кучли ва тажрибали бўлса, у ташкилотнинг даромади шунчалар ортади.  
**(Веҳби Коч- машҳур ишбилармон)**

### **МУВАФФАҚИЯТНИ ИЛҲОМ БЕРУВЧИ МАЛАГИ**

Машҳур рассом Салвадор Далига мухлислари яхши расм чизиш техникаси ҳақида саволлар беришганида у шундай жавоб берган эди:

- Катта рассом бўлиш учун мўйқаламни идишга солган вақтинг, бир илҳом малаги ҳам билагингга тегиши керак.

Мухлислари бу жавобга:

- Яхши, аммо илҳом малагини ёнингизга қандай қилиб келтира оласиз?

Машҳур рассом табассум қилиб:

- Бу фақатгина буюк рассомлар билган сирдир, - деди.

### **КЎНГИЛСИЗЛИКЛАРНИ ҚАРШИЛАЙ ОЛИШ САНЪАТИ**

Бир ёш йигит алломага:

- Мени ҳақорат қилишди. Ва мени ҳақорат қилган одамни уйига бориб унга кўрсатиб қўяман,– деди.
- Ўз уйингга кетсанг, янада яхши бўлади, деди,– аллома.
- Бу билан уйинга кет деб нима демоқчисиз? Ахир у мени ҳақорат қилди, номимни булғади ва мен уни тозалашим керакми?
- Мен бошқа нарса демоқчиман,– деди аллома. Ҳамма биладики, балчиқ қуриганида осонроқ тозаланади.

### **ТЕМИРГА САЖДА ҚИЛЯПСАНМИ?**

Фотих Султон Маҳмуд Истанбулни босиб олаётган пайтда душманлари отган ўқдан аскарлари юзини ерга қаратиб беркитганларини кўради.

Баланд овоз билан кўшинга бақиради:

— Темир парчаларига сажда қиялпсизларми?

Бу овозни эшитган аскарлар дарҳол оёққа туриб, бор кучлари билан ҳужумга ўтишди.

Қўмондон қўл остидагиларни ўз вақтида вазиятга қараб руҳлантира оладиган гап айта олиши керак. Қийин вазиятда биргина ўйлаб гапирилган гап жуда кўп нарсани ўзгартириб юбориши мумкин.

### **ДУШМАН ЎҚИ ҚАЧОН ЎЛДИРАДИ?**

Плевна уруши бўлаётган эди.

Ғозий Усмон Пошо кўмондонларни атрофига тўплаб олиб уларга топшириқ беряпти...

Тўсатдан душман отган бир тўп у ерга тушиб атроф чанг-тўзон ичида қолди. Барча кўмондонлар ерга ётиб олдилар.

Бироздан сўнг ердан бошларини кўтаришгач Усман Пошонинг ҳаяжонланмай турганини кўрдилар.

Бир кўмондон ҳайрат билан сўради:

— Пошом, тўп ёнингизда портлади, қўркмадингизми?

Бош кўмондон хотиржам жавоб берди:

— Оллоҳ ҳар ўқ, тўп доналари устига жангда қатнашаётганларнинг бирма-бир исмларини ёзган. Кимнинг вақти етса у ўқ уни ўлдиради. Кўриб турганингиздек, тўп парчаларининг бирортасида бизнинг исмимиз йўқ экан. Ҳаммамиз омон қолдик. Бинобарин, душман ўқидан кўрқишга ҳожат йўқ.

### **ТОШ КАЛЛА- БЎШ КАЛЛА- ХУШ КАЛЛА**

Ҳорун ар-Рашиднинг муршиди Бахлул Доно бир куни бозорга учта бўш калла олиб келиб сота бошлабди.

- Қанчага сотаяпсан?— деб сўраганларга:
- Бири бир сўмга, бири ўн сўмга, бирини эса оғирлигича олтинга сотаман, — дебди.



- Эй Бахлул нархларнинг ҳар хил бўлишига сабаб нима?– деб сўраганларга бундай жавоб берди:
- Биринчиси тош калла, энг арзони. Чунки умуман насиҳат эшитмайди.
- Иккинчиси эса бўш калла, насиҳат эшитади, аммо ўзида олиб қололмайди. Учинчиси эса яхши калла. Эшитади ва унга амал қилади. Шунингдек, бошқасига ҳам ўргатади. Буни фақатгина оғирлигича пулга сотаман.

## **СИЧҚОН ЮРАГИ**

Бир ҳинд масалига кўра доимий кўрқув ва андиша ичида яшайдиган бир сичқон бор эди. Бир сеҳргарнинг унга раҳми келади ва мушукка айлантириб қўяди.

Сичқон-мушук бўлар-бўлмас кучукдан кўрқа бошлайди. Сеҳргар уни қоплонга айлантиради. Аммо у энди овчидан кўрқа бошлайди.

Сеҳргар кўрадики, унинг кўрқувини енгишнинг имкони йўқ.

Қайта сичқонга айлантириб қўяди.

- Сенда фақатгина сичқоннинг юраги бор. Шунинг учун мен сенга ёрдам бера олмайман, – дейди.

\*\*\*

**Ўзига ишонмаган, матонат ва жасоратсиз инсонларга, четдан бериладиган ёрдамнинг ҳеч қандай фойдаси бўлмайди.**

## **НОМИМ СОТИЛМАЙДИ**

Американинг ички урушларидан сўнг бир суғурта компанияси номи тилларда дoston генерали Роберт Э. Леега ширкатнинг бош мудирлигини таклиф этишади. Унга йилига 50000 доллар маош ҳам беришмоқчи эди. Генерал Лее ширкатга, бунчалик кўп маошга яраша ишлай олмаслигини айтганди.

Ширкат катталари:

- Биз сизни ширкатимизда ишингиздан эмас, фақатгина сизнинг номингиз ва шуҳратингиздан фойдаланмоқчимиз, биз учун шуни ўзи етарли, – дедилар.

Генерал Лее дарҳол кескин овоз билан:

- Меҳнатим ва ишимни сотиб олишингиз мумкин, аммо номим сотилмайди, – деди.

Бироз вақт ўтгач эса йилига 1500 доллар маош эвазига кичик бир коллеж директорлигини қабул қилди.

## **ҚОБИЛИЯТНИНГ ЎЗИГИНА ЕТМАЙДИ**

Музыка Даврининг энг буюк мусиқачиларидан Энрико Карусо, сахнага чиқмасдан олдин жуда ҳам ҳаяжонланар, одатда зир-зир титрар эди.

Бир маротаба Нью-йорк метрополитени операсида Вердининг маскали бали ўйналар эди. Карусо танг ҳолда титраб турар экан ишга янги келган бир аёл ҳайратланиб сўради:

- Жаноб Карусо, нега бунчалик ҳаяжонланаяпсиз?

Карусо жиддий қиёфада шу жавобни берди:

- Бошқа мусиқачилар қобилиятларини юз фоиз ишлатсалар, мен юз фоиз ишлата олмайман.

\*\*\*

**Инсон қобилиятини юз фоиз қўллаш билан чекланиб қолмаслиги, ўз-ўзини янада юксалтириши ҳам керак. Чунки доимий муваффақиятлар, ўлмас асарлар, қаттиқ жидду-жаҳд, ғайрат натижасидир.**

## **ҲАҚИҚИЙ ЁРДАМ ИНСОНГА КЎНИКМА ҲОСИЛ ҚИЛИШДИР**

Америкалик физиолог ва тарбиячи Жон Девей, бир куни кичик ўғли билан оёқ билакларигача балчиққа кўмилиб турар эдилар.

Уни бу аҳволда кўрган бир дўсти огоҳлантирди:

– Жон, болани сувдан чиқар, йўқса, шамоллаб қолади.

Тарбиячи Девей:

– Биладан, биладан,– деб жавоб берди. Аммо уни бу балчиқли сувдан мен чиқарсам, фойдаси бўлмайди. Ўзини бу балчиқли сувдан чиқариши учун нима қилиши кераклигини тушунсин.

\*\*\*

**Инсонга бир ишни эплай олиши учун, ақли ва заковатини ишлатишини таъминлаш, янада фойдалидир. Шу йўл орқали унга, ёлғиз қолганида, қийинчиликни қандай қилиб енгиш йўллариини ўргатган бўласиз.**

## **ҒАМ-ҚАЙҒУНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЕНГДИ?**

Канадалик машҳур доктор Вильям Ослер, Монтериалда тиббиёт факультетида ўқиб юрган йилларида, дарсларни ўзлаштира олмаслигини, яхши доктор бўла олмаслигини ўйлаб хафа бўлар эди.

Доктор бўлгач ҳам бу ғам уни тинч қўймасди.

Аммо бир куни машҳур инглиз тарихчиси Томас Карйлени китобидан ўқиган бир жумла уни ҳаётини бутунлай ўзгартирди. 1919 йил вафот этгунича бўлган даврда, бутун дунё номини ҳурмат билан эсга оладиган доктор бўлди.

Доктор Вильям Ослерни ҳаётини ўзгартириб юборган жумла шу эди:

– Ҳаётдаги энг асосий ишимиз бўлар-бўлмасга, туманли ҳавода узоқларда турган нарсаларни кўришга уриниш эмас, кўзимиз ёнида турган нарсалар учун нима қилишимиз лозимлигини англаб етишдир.

## **АҚЛЛИСИ ЭРИШДИ**

Кекса бир савдогар савдогарликни тарк этаётган эди. Ишини икки ўғлидан қайси бирига қолдиришини тажриба орқали аниқлашга қарор қилди.

Шунинг учун иккисига ҳам озгинадан пул берди ва:

– Бу пулга уйни тўлдирадиган бирор нарса олинглар, – деди.

Катта ўғли тезда бозорга борди. Қўлидаги озгина пулга фақатгина сомон олиши мумкинлигини ўйлади. Сомонларни уйга олиб келди, аммо уйнинг ҳамма тарафини сомон билан қоплаш мумкин эмаслигини кўрди. Кичик ўғил эса отасининг ақл ва заковат билан амалга ошириш керак бўлган иш буюрганини тушунди. Қўлидаги пулга етарли миқдорда шам сотиб олди. Уларни уйга олиб келиб барча хоналарга биттадан қўйиб чиқди. Оқшом шамларни ёқди. Шамлар ёғдуси барча хоналарни тўлдирди.

## **КАСБИГА МУҲАББАТ**

1870 йил 18 майда Американинг Ҳартфорд шаҳрида кичик бир қиёматга ўхшаган воқеа содир бўлган эди.

Кўм-кўк осмон тушликка яқин қорая бошлайди ва кундуз кечага айланади. Халқ “қиёмат бошландими?” деган ўйга борди.

Ўша пайт штат вакиллари мажлиси бўлаётган эди. Депутатлар бу вазиятда тезда мажлисни қолдирмоқчи бўлишди.

Мажлисни бошқараётган губернатор Давенпорт дедики:

– Қиёмат куни ё яқинлашяпти ёки яқинлашмаяпти. Агар яқинлашмаса мажлисни қолдиришга бирор сабаб йўқ. Агар яқинлашса, мен охиригача касбимни ва хизматимни давом эттирмоқчиман. Шундай экан, дарҳол шам олиб келиб ёқилишини ва мажлисни давом эттиришни таклиф қиламан.

Натижада мажлис қолдирилмасдан давом эттирилди.

## **ТАНҚИД ҚИЛИШ ОСОН, ЛЕКИН БИРОР ИШНИ БАЖАРИШ ҚИЙИН**

Машҳур ёзувчи-социолог Макс Вебер, бир куни ўзи билан бир бинода яшайдиган рассом Абе Валк Овитезга дуч келади. У пайтда 73 ёшда бўлган рассомдан:

- Абе, кўзингни операция қилдирганингни эшитдим. Расм чизишга кўзларинг дош бера оладими?–деб сўради. Машҳур рассом:
- Менимча чидайди,–деб жавоб берди ва шуни ҳам кўшимча қилди:
- Аммо кўрмасам ҳам расм чиза оламан. Яъни ишсиз қолишим муҳим эмас.

\*\*\*

**Бу вазиятда бирор иш қилиш қанчалик қийинлиги, аммо у танқид қилиш қанчалик осонлиги таъкидланаяпти.**

## **ТАНҚИДЛАР МУВАФФАҚИЯТГА ТЎСИҚ БЎЛМАСЛИГИ КЕРАК**

Ёш бир мусиқачи йигит Финландиянинг миллий композитори Сибелиусга мусиқа танқидчилари уни қанчалик танқид қилишганини дард билан гапириб берди.

Ўз вақтида танқидчилардан роса танқид эшитаган Сибелиус, ёш мусиқачига тасалли сифатида шу гапни айтди:

– Мен сенинг ўрнингда бўлсам, умуман хафа бўлмасдим ва эътибор бермас эдим. Унутмаки, дунёнинг ҳеч бир ерида, ҳеч бир танқидчи учун ҳайкал қўйилмаган.

\*\*\*

**Инсон танқиддан ўзини юксалтириш, хатоларини тўғрилаш учун фойдаланиши керак. Умидсизлик ва қайғу-ҳасратга тушмаслиги лозим.**

## **ЕТАРЛИ ЭЪТИБОР БЎЛСА ЭДИ**

Америкада электр курсисида ўлдиришга ҳукм қилинган айбдор одамдан, охирги сўзи бор-йўқлигини сўрашди.

Ўлимга маҳкум этилган киши, атрофидаги газетачиларга, расмчиларга, касалхона ходимларига қараб олгач, аччиқ, маҳзун овоз билан шундай деди:

– Агар болалигимда менга шунчалик эътибор берилганда, бугун мана бу жазо столида ўтирмаган бўлар эдим.

## **НЕЪМАТЛАРНИНГ ҚАДРИГА ЕТЯПМИЗМИ?**

Тоғда жойлашган уйда яшайдиган бир бола, тоғни у тарафида жойлашган уйга жуда қизиқар эди.

Чунки уйнинг деразалари ҳар куни оқшом олтин рангида порлар эди. Бунинг бир олтин порлатувчиси бўлишига ишонган бола у уйга боришга қарор қилади.

Йўл узок ва машаққатли бўлганлиги учун қош қорайгач ухлаб қолди. Эртаси куни барвақт уйга етиб борди.

Не кўз билан кўрсинки, уй оддий бир уй эди. Деразалари узокдан у ўйлагандай олтиндан эмас эди. Ва порламас эди.

Бироз хафа бўлиб ўз уйига қайтмоқчи бўлганда, бирдан ҳайратга тушди. Водийнинг у тарафида, ўз уйини деразалари олтиндан ясалгандай порлаётганини кўрди.

## **ДОИМИЙ ШИКОЯТЧИ**

Қишлоқдаги бир қария ҳамма нарсдан шикоят этар эди. Ҳеч нарса уни мамнун қила олмас эди.

Бир йили боғидаги олма дарахти ғарқ пишганини кўрган кўшниси уни кўргани борди.

- Бу йил хотиржам бўлсанг бўлади. Чунки боғингдаги олма мўл ҳосил берганини кўраяпман, – деди.

Қария жавоб берди:

- Яхши, ёмон эмас, аммо бу йил хайвонларга берадиган чирик олмаларим йўқ.

\*\*\*

**Ношуд инсонлар, ҳамма нарсанинг фақат ёмон тарафини олишади. Барча нарсалардан айб топиб, шикоят қилиш учун баҳона топадилар.**

## **ОМАДЛИ БЎЛИШ КЕРАКМИ ЁКИ ҚАДРЛИ?**

Эйнштейн газета мухбирига берган бир интервьюсида, ёшларга шундай тавсиялар берган эди:

- Омадли инсон бўлишга уринманг.

Қадрли инсон бўлишга урининг.

Омадли инсон, ҳаётдан берганидан кўпроқ нарса олади.

Қадрли инсон эса, ҳаётга олганидан кўпроғини беради.

### **ЁШЛИҚДА КЕЛГАН ОМАД**

- Машҳур физик Исак Ньютон, ернинг тортиш қонунини кашф қилганда 24 ёшда эди.
- Машҳур бастакор Бетховен, илк асарини 13 ёшида басталаган.
- Фотих Султон Маҳмуд Истанбулни босиб олганда 21 ёшда эди.
- Напалеон Италияни забт этганида 27 ёшда эди.
- Гёте илк шеърини 10 ёшида ёзган.
- Моцарт, 6 ёшда эканлигида концерт беришни бошлаган.

### **ЭЪТИБОР БЎЛМАГАЧ ХАРОБАГА АЙЛАНДИ**

Бир одамнинг каттагина боғи бор эди. Бу боғда гулларнинг барча турлари бор ва атрофга донғи кетган эди.

Боғбон ҳам боғга яхши қарар эди.

Бир куни боғ эгаси иш билан узоқ сафарга отланди. Бир неча ой ўтиб сафардан қайтгач, у тилларда дoston боғини харобага айланганини кўрди.

Нима бўлганини тушунмаган боғ эгаси дарҳол боғбонни чақирди.

- Бу нима аҳвол, боғга нима қилди?– деб сўради.

Боғбон бошини эгиб жавоб берди:

- Ҳожам, сиз шу ерда эканлигингизда, ҳар куни боғни айланиб, қилган ишларимни мақтар эдингиз. Йўқлигингизда кўрдимки, ҳеч ким бу гўзаллик билан қизиққани, тақдирлагани йўқ. Мен ҳам чорасиз қолдим.

## **ВЕҲБИ КЎЧТАН ЁШЛАРГА ЎГИТЛАР:**

- Қарз олгач, уни қайтаришни ҳам ўйлаш керак.
- Қарз йигитнинг қамчисидир.
- Агар керагидан ортиқ қарздор одам бўлса иши фақат орқага кетади.
- Мен саноат соҳасига киргунимгача, умуман қарздор бўлмадим.
- Кўп жойларда менга айтишади:  
« Жуда қизғанчик, ўта хасис, емайди, ичмайди.»

Бўлмаган гап. Мен бекордан-бекорга пул сарфлашга қаршиман. Масалан:

Люкс автомобил минишни ёқтирамаيان. Аммо бир лицей қурдирмоқчи бўлсам, бир хайр-ҳасанот қиладиган бўлсам, бундан пулни аямайман.

## **Ё ТУЗАТ, ЁКИ ЎРНИНГНИ БЎШАТИБ ҚЎЙ!**

Сафват подшонинг садразмлиги вақтларида, бир мажлисга таклиф қилинган Тунисли Ҳайридин Подшо, музокараларни охиригача эшитади ва умуман гапирмайди. Нега умуман сўзга чиқмаганини сўрашганда ўйлантирадиган жавоб беради:

- Тинглаган сўзларимга қараганда, худди ҳукуматни бошқаси бошқараётгандай туюлди, биз эса уларни танқид қиладигандай туюлди менга. Шунинг учун сўзга чиқмадим. Менимча, бу хайъат ё бу ишларни тузатади, ёки ўрнини бўшатиб қўяди.

## **СИЧҚОНЛАРГА ТЎЛА ГАРАЖ**

Американинг Кансас Ситй штатида бир газета муҳаррири, унга баъзи расмлар кўрсатган ёш йигитни рад этибгина қолмай, балки унда заррача бўлса ҳам расм чизишга қобилияти йўқлигини айтган эди.

Ўз қобилиятига ишонган ёш йигит эса бошқа эшикларни ҳам тақиллатиб кўради, аммо барчаси рад жавобини беради.

Ниҳоят бир куни бир фирмадан иш топди. Фирма сотадиган маҳсулотларга расмлар чизиши керак эди.



Ёш йигит сичқонларга тўла гаражни ижарага олиб, ишлашни бошлади.

Иш фаолиятини сичқонларга тўла гаражда бошлаган бу йигит машхур Уолт Дисней эди. Фақатгина ўзини эмас, балки илҳомини ҳам гараждаги сичқонлардан олган “Мики Фаре” номли мултфильм қаҳрамони, кейинчалик катта шуҳратга эришади.

## **ЖИСМОНИЙ КАМЧИЛИКЛАРИНГНИ САБАБЧИ ҚИЛМАСДАН ҲАРАКАТ ҚИЛ**

Кўр ва ногирон бўлишига қарамай, Байна Хелен Келлер бир куни машхур ёзувчи ва хаттот бўлади.

Ҳаёти қийинчиликлар ва изтиробларга тўла бўлса ҳам у тўхтамай ҳаракат қилди. Ҳаттоки Ределлифе коллежини ҳаммадан аълога битирди.

Байна Келлер ўзига хос қизиқчилик қобилиятига ҳам эга эди.

Бир куни Гарвард университетиде ёшларга хитобини шу сўзлар билан бошлаган:

- Сиз ёшлар мендан неча маротаба бахтли инсонларсиз. Зероки, мендаги камчилик ҳеч бирингизда йўқ.

Гарварддаги талабалар, уни кўр ва ногиронлигини назарда тутаяпти, деб ўйлаб, жуда ҳам хафа бўлишади. Келлер нутқини шу сўзлар билан тугатди:

- Менинг тишларим ясама.

Талабалар Келлерни роса олқишлашди.

## **ҲЕЧ КИМ ҲАММА НАРСАНИ БИЛАМАН ДЕЯ ОЛМАЙДИ**

Бир ўспирин буюк олим Шаъбининг ёнида бир нарсани гапирди. Шаъби:

- Буни ҳеч эшитмадим,– деб айтилган гапга шубҳалангач, ораларида шундай музокара бўлиб ўтади:
- Эй Шаъби, сиз илмнинг барчасини ўқидингизми?
- Йўқ, ўқимадим.
- Яхши. Ундай бўлса ярмини ўқидингизми?

- Йўқ. Ярмини ҳам ўқимадим.
- Унда мен айтган гап сиз ўқимаган ўша яримнинг ичида.

\*\*\*

**Бу ўринда, мен барча нарсани биламан, деб даъво қиладиганларга ажойиб жавоб бор.**

### **БИР ИШГА ЖИДДИЙ ҚАРОР ҚИЛГАН УНГА АЛБАТТА ЭРИШАДИ**

- Инсон бирор нарсани қаттиқ орзу қилса ва бу йўлда, жидду жаҳд қилса ҳеч нарса эришилмайдиган даражада юқорида эмаслигини кўради. (Ханс Андерсен)

### **ОРЗУЛАР ЧЕГАРАСИЗДИР**

- Орзу шундай бир нарсаки, тўйишни билмайди.

Кўплаб инсонларнинг ҳаёти орзуларини тўйдириш йўлларини қидириш билан ўтиб кетади. (Аристотел)

### **ШОШИЛИШ ДОИМ ПАНД БЕРАДИ**

- Бирор нарсага тезда эришмоқчи бўлган одам, руҳини бошқа нарсалардан тўсиб қўяди. (Демокрит)

### **САНЪАТНИ ТУШУНИШ**

Пикассонинг галериясида бир аёл портретлар ичидан бирини машҳур расомга кўрсатиб:

- Мен бу расмдан ҳеч нима тушунмадим,– деди.

Пикассо аёлдан сўради:

- Сиз хитойча биласизми, хоним?
- Йўқ.
- Аммо хитойчани бир ярим миллиард инсон билади ва гаплашади.

\*\*\*

**Санъатни тушуниш учун, маълум билим ва маданият захираси керак.**

## **ЗУККО АСКАР**

Машҳур немис сиёсатчиси Бисмарк, бир куни жангда қаҳрамонлик кўрсатган аскарга медаль тақар экан сўради:

- Аскар! Юз олтинни оласанми ёки бу медалними?

Аскар сўради:

- Медалнинг баҳоси қанча?

Бисмарк жавоб беради:

- Моддий қиймати 3 олтин холос.

Зукко аскар истагини шу шаклда баён қилади:

- Ундай бўлса қолган 97 олтин билан, шу медални хоҳлайман.

## **ПУЛ ВА ХИЗМАТКОР**

Нейзен Тевфикдан ҳаётда у эга бўлмаган нарсаларни сўрашар эди. У шундай жавоб берган эди:

- Ҳаётимда икки нарсага эга бўлмаганман. Пул ва хизматкор.

Пулга эга бўлмаганман, чунки ундан сақланишга, уни жойлашга жой тополмаганман.

Хизматкор сақламадим, чунки уларнинг энг яхшиси билан ҳам бир соатда жанжаллашиб қоламан.

## **ЎЙЛАМАСДАН ГАПИРМАНГ**

Янги мусулмон бўлган, турк тилини ҳам билган бир немис, таътилда Туркияга келади. Ўзи барча диний билимлар билан бирга Қуръони Карим ўқишни ҳам ўрганган эди.

Пулини майдалатиш учун банкка кирганда, кассада ишлайдиган аёлнинг дугонасига:

- Яна бир кофир келаяпти,– деганини эшитиб қолади.

Тезда ёнида олиб юрадиган Қуръони Каримни чўнтагидан олади. Ичини очади ва аёлнинг ёнига қўйиб:

- Хоним, мусулмонлар ишонган ушбу муқаддас китобни ўқишни биласизми?– деб сўрайди.

Қуръон ўқишни билмаган аёл ерга кириб кетадиган даражада уялиб, “йўқ”, деди.

Шунда мусулмон немис ўйламай гапирадиган у аёлга:

– Энди айтингчи, ким кофир сизми, менми?

\*\*\*

- **Бу воқеа ўйламай гапирадиган инсон қанчалик катта хатога йўл қўйиши мумкинлигини тушунтирган ажойиб мисолдир.**

### **ЗЎР САВОЛГА ЗЎР ЖАВОБ**

Султон Сулаймон Қонуний, ўз укаси Яхё Афандига бир хат жўнатади. Ундан Усманийлар давлатининг инқирозига сабаб бўладиган сабабларни сўраган эди.

Яхё Афанди подшоҳдан келган бу хатни ўқиб, шу қоғознинг орқасига:

– «Нима керак қардошим?» сўзини ёзиб қайтариб жўнатади.

Қонуний бу жавобдан қаттиқ аччиқланади. Дастлаб Яхё Афандини Бешиктошдаги маконига келиб:

– Қойил ука. Сендан жуда долзарб нарсани сўраган эдим, жавоб бермадинг ҳам, – деб хафа бўлади.

Яхё Афанди эса саволга жавоб берганини айтгач, Қонуний:

– Хатни орқасига «Нима керак қардошим?» деб ёзиб жўнатибсан. Ҳеч қандай жавоб йўқ-ку хатда, деди. Яхё Афанди шундай тушунтириб берди:

– Сиз хоҳлаган жавоб ана шу эди, султоним. Давлат инқирозига нима сабаб бўлишини сўрабсиз. Бир давлатда ва халқда: «Нима керак?» тушунчаси бошланса, давлат инқирозга юз тутишни бошлайди.

### **ХИЗМАТКОР БЎЛМА**

Осман Юксел Серденгечти, мажлисда дуч келиб депутатдан қаерлик эканлигини сўрайди. Депутат:

– Ушоқликман, – деб жавоб беради.

Осман Юксел Серденгечти унга шундай насихат қилишдан ўзини тўхтата олмайди:

- Ушоқли бўл, ҳеч қачон Ушоқ бўлма.<sup>1</sup>

### **НЕГА МУСУЛМОН БЎЛМАЙДИ?**

Французча-Усмонлича луғат яратган, араб ва ажам адабиётлари билан таниш бўлган ғайримусулмон Фенерли Хенчерли Бей, бир куни Иззат Мулланинг ҳузурида араб адабиётидан баҳс юритар эди.

Мажлисида илмдан хабари бўлмаган киши Иззат Мулладан шу саволни сўрайди:

- Бу инсоннинг шунчалик чуқур билими бор экан, нега мусулмон бўлмайди?

Иззат Мулла бу одамга шундай жавоб берди:

- Нега сен шу жаҳлинг билан христиан бўлмаяпсан?

### **ШУНДАЙ ДЎСТ.....**

Бир мажлисида улуғ зотнинг юзига пашша кўнар, у эса ҳеч пашшаларни ҳайдамас эди.

Ёнидагилар:

- Нега пашшаларни ҳайдамаяпсиз? Улар сизни безовта қилишмаяптими? – дея сўрадилар.

У зот шундай жавоб берди:

- Нега ҳайдаин? Менинг юзимдан учиб кетиб, дўстларимнинг юзларига кўнадилар. Уларни безовта қилишмасин. Ҳолбуки мен, ўзимдан кўра дўстларимни кўпроқ севаман.

Бу воқеадан сўнг ажойиб воқеа юз берди. У инсоннинг юзига пашшалар бошқа ҳеч қачон кўнмадилар.

### **ҲАЁТГА ЁМОН КЎЗ БИЛАН ҚАРАШ.**

---

<sup>1</sup> Ушоқ турк тилида хизматкор деган маънони билдиради.

Америкада Роберт Бултонни “Клармент” номли дастлабки буғли кемаси, Худсон дарёсида биринчи сафарга хозирланаётган эди.

Дарёнинг икки тарафида бу тарихий ҳодисани кўриш учун ўн минглаб томошабин тўпланган эди.

Томошабинлар орасида пессимист, қария бир деҳқон ҳам бор эди.

– Кемани асло юргиза омайдилар, – дер эди.

Аммо кема юрди, тезлиги ҳам борган сари ортди. Тезлиги ортган сари қуюқ тутун чиқариб кетди.

Қирғоқнинг икки ёнида йиғилган томошабинлар бу муваффақиятни роса олқишладилар.

Пессимист деҳқон эса бошини қимирлатиб:

– Аммо, кемани тўхтата омайдилар, – дерди.

\*\*\*

**Ҳаётга фақат ёмон кўз билан қараганлар ҳамма нарсанинг тескари томонини кўрадилар.**

### **ЗАКОВАТ ҚАДРИ**

– Заковат – бош ичидаги олтин модда. (Питигрилли)

– Заковат худди бир ниҳолдек экиб, парвариш қилишга муҳтождир. (Чичеро)

– Заковат миллионерлари, пул миллионерларига ачинишади. Виктор Гюго

– Инсон заковатидан яширинча фойдаланиши буюк бир заковатдир.

Ла Рожефуколд

### **ЗУККОЛИК МИСОЛИ**

Бир инсон кечаси қўлида фонар, елкасида челак илиб олган кўрга дуч келди. Фаҳм-фаросатли бу кўр дарё қирғоғига бориб челакни тўлдириб қайтарди. Ундан сўрадилар:

- Сен бир кўр одамсан. Кеча билан кундузнинг сенга фарқи йўқ. Нега ёнингда фонар олиб юрибсан?

Кўр фаросат билан шундай жавоб берди:

- Эй инсон. Фонарни сен каби қалби кўрлар қоронғуда менга урилиб кетмасликлари учун олиб юраман

### **ИНСОН ЎЗ ҲАДДИНИ БИЛИШИ КЕРАК**

Америкалик эркатой ёш бир қиз Бетховен яшаган уйни зиёрат қилади. Буюк санъаткорнинг пианиносига ўтириб, унинг бир асарини ғурур билан чала бошлайди.

Чалиб бўлгач, унга жаҳл билан қараб турган қоровулга деди:

- Тахминимча, бу ерни жуда кўп буюк инсонлар зиёрат қилишган.
- Ҳа, – деди қоровул. Машҳур мусиқачи Педеревски ўтган ҳафта бу ерда эди.

Қиз сўради:

- Бетховеннинг пианиносини чалдимми?
- Йўқ чалмади, – деб жавоб берди қоровул. Сўзларига бу эркатой қиз бир умр эсдан чиқармайдиган, дарс берадиган шу гапни қўшимча қилди:
- Чунки ўзини Бетховеннинг пианиносини чалишга лойиқ кўрмади.

### **ИНСОН ҲАММА НАРСАНИ БИЛИШГА МАЖБУР ЭМАС.**

Буюк ислом ҳуқуқшуноси Имом Абу Юсуфдан бир масала ҳақида сўрашди.

Имом Абу Юсуф:

- Билмайман, – деди.

Савол сўраган одам бу жавобни эшитгач:

- Сенинг маконинг жоҳилларнинг макони бўлмаслиги керак.

Имом Абу Юсуф шундай жавоб берди:

- Макон, бирор нарсани билиб, қолган нарсаларни билмаганлар учундир. Барча нарсани билганнинг эса макони йўқдир. Барча нарсани билган эса фақат Оллоҳдир. Ердаги ва осмондаги барча нарса, унинг измидан чиқмайди.

Абу Юсуф бу гапи билан, инсон барча нарсани билишга мажбур эмаслигини, оддий шаклда тушунтириб берган.

### **САВИЯСИЗ ИНСОННИНГ САВИЯСИ ТУШМАЙДИ**

Нейзен Тевфиқга бир куни маст одам шапалоқ туширди. Нейзен Тевфиқ жавоб қайтармади.

Дўстлари Нейзенга ачиниб гапиришди:

- Шапалоқни еганингча қолдинг, на овозинг чиқди, на жавоб қайтардинг.

Нейзен кулиб:

- Нима қилишим керак эди?

Сени бир эшак тепса, нима қилар эдинг?

### **АДОЛАТЛИ БЎЛИШИШ**

Бир мўйсафиддан, икки ака-ука отасидан қолган меросни одилона шаклда бўлиб беришни илтимос қилишибди.

Мўйсафид ушбу йўлни тавсия қилди:

- Қариндошларингдан бири бу меросни иккига бўлсин.

Ва қариндошига ҳам бўлгани учун ҳақ берилсин.

Ҳақиқатдан ҳам бу ақлли тадбир эмасми?

### **ХАЙРИЯ, ИСРОФ ЭМАС**

Буюк олим Хасан бин Саҳлга, сахийлик қилгани сабабли “исрофда хайр йўқ” – деган эди. У бу гапга шундай жавоб берган эди:

- Аксинча, хайр (эҳсон) исроф эмас.



## **КАМЧИЛИКНИ КЎРСАТИШДА НОЗИКЛИК**

Аббосий халифалардан Мутававакилнинг соқолига бир нима илашганини кўрган вазирларидан Фатх бин Ҳокон, уни на қўли билан олди, на халифага гапирди. Фақатгина хизматкорга:

- Мўминлар амирининг ойнасини келтиринг!– деди.

## **ФИКР АЛМАШИШ**

Кекса ва ақлли бир киши ёш йигитга дер эди:

- Биз инсонлар нарса сотиб олганимизда, бироз бойиш билан бирга, фақирлашамиз. Лекин фикр алмашган вақтимизда, ҳамманинг сармояси икки баробар ортади.

## **САХИЙЛИК КИБРСИЗ БЎЛИШИ КЕРАК**

Бир сахий инсондан сўрадилар:

- Муҳтожларга берган, йўқсулларга тарқатган нарсалар сабабли, кўнглингда бироз кибр, фақирларга миннат туйғуси бўладими?

Сахий жавоб берди:

- Йўқ, нега энди? Мен бирор нарсани берар эканман, ўзимни ошпазни қўлидаги капкирга ўхшатаман.

Берадиган ошпаз, аммо таом капкирдан ўтади. Капкир қандай қилиб овқатни мен тайёрладим, дея олади?

\*\*\*

Кулар юз ила ато, сахо устига сахо.

(Яъни очик чехра, самимият билан қилинган саховат– яхшилик устига яхшиликдир) (Алишер Навоий)

## **ГЎЗАЛЛИК СИРИ**

Жуда ҳам гўзал, аммо қарироқ бир аёлдан, бундай гўзал қолиш учун қандай пардоз ашёларидан фойдаланганини сўрашган эди.

- Дудокларим учун ҳақиқат,  
Овозим гўзаллиги учун дуо,

Кўзларим учун марҳамат,  
Кўлларим учун саҳийлик,  
Танам учун тўғрилиқ,  
Қалбим учун севги ва шавқатдан фойдаланаман.

Бу каби ашёларни сотиб олиш учун ҳеч қандай пул керак эмас.  
Улардан қанча кўп фойдалансангиз, сони ҳам шунчалиқ ортади.

### **ҒАМ-ҚАЙҒУНИ ЕНГИШ САНАЪТИ**

Куфа амири қизли бўлди. Ўғил фарзанд кутган Амир қаттиқ хафа эди. Улуғ донишманд Баҳлул Доно унинг ёнига бориб шундай танбех берган эди:

– Нега хафа кўринасиз, амирим?

Оламлар Роббиси берган тўрт мучаси соғ қиз учунми бу хафагарчилик? Агар мен каби мажнун ўғлингиз бўлса, янада яхши бўлармиди?

Хафа бўлиш ўрнига севинишингиз керак, аслида.

### **ҲУРМАТ УЧУН ЭМАС, КИР БЎЛМАСЛИК УЧУН**

Бир мажлисда иккинчи жаҳон урушидаги қочоқ бойлар хусусида гап кетар экан, бири ҳақида шундай дейилган:

– У одам шунақанги бойлик тўпладики, шундай нарсаларни қўлга киритдики... Қаерга қадам қўйса, одамлар дарҳол ўзини чеккага олишади.

Бу мажлисда қатнашаётган Нейзен Тевфик, бу таърифга дарҳол кўшимча қилди:

– Инсонларнинг дарҳол четга чиқишлари, кир бўлмаслик учундир.

## **ЮСУФ ХОС ҲОЖИБДАН ЎГИТЛАР**

Ўзидан яхши ном қолишини хоҳлаган бир давлат раиси, ўзидан шу беш нарсани узоқ тутиши керак:

- Биринчиси шошқалоқлик.
- Иккинчиси хасислик.
- Учинчиси шиддат.
- Бошқарувчи учун ёмон хусусиятлардан тўртинчиси қайсарлик.
- Идорачига тўғри келмайдиган бешинчи нарса, шубҳасиз ёлғончиликдир.

Ким халққа ҳоким бўлса, у юмшоқ табиатли бўлиши, хатти-ҳаракатлари аслзодалар каби бўлмоғи лозим.

## **ҚУТАДҒУ БИЛИГДАН ҲИКМАТЛАР**

- Бирор мамлакатни қилич билан тезда эгаллаб олиш мумкин. Аммо қалам бўлмагач, инсон уни ушлаб қололмайди.
- Ҳеч бир ҳокимият, шиддат ва зулм билан узоқ йиллар яшамайди.
- Инсон меҳнатини қадрламаган кишига инсон демаслик керак. Чунки у ҳайвонга ўхшайди.
- Ёмонлик заҳардир. У заҳарни ема.  
Заҳар еган ҳайвон ўлади.
- Ҳалоллик, тўғрилиқ ва яхшилик каби хусусиятлари билан машҳур бўлган инсонларни ўзингга яқин тут. Уларга иш бер.

## **ҲИРС МАНТИҚНИ ЙЎҚҚА ЧИҚАРАДИ**

- Эҳтирос бир мартаба одамнинг ёқасига ёпишдими, мантиқ йиғлайди ва таҳликадан хабар бериб уни таъқиб қилади. (Альфред де Муссельт)
- Эҳтиросни енгиш, қурол ишлатиб дунёни босиб олишдан қийинроқ.

(Ганди)

## УЧ ХИЛ ЁЛҒОН

Дунёда уч хил ёлғон бор:

- Одатий ёлғон;
- Думли ёлғон;
- Ва статистик.

## НЕГА ИСМ БЕРМАЁТГАН ЭДИ?

Бир куни шоир Эшрефдан сўрадилар:

- Устоз, ном бермаётганиз учун кимни ҳажв қилаётганингизни билмаяпмиз. Нега ном бермайсиз?

Ҳажвчи шоир жавоб берди:

- Нега бўлар экан? Ҳажвияларим рақамсиз кўзойнак каби ҳамма олчоқларга мос келиши учун.

## ВЕҲБИ КОЧДАН 10 ОЛТИН ЎГИТ

- Соғлигингизга эътибор беринг.
- Оила ва иш ҳаётингиз соғлом бўлишига диққат этинг.
- Ҳар бир хатодан ибрат олиб, уни такрорламасликка ҳаракат қилинг.
- Сабр билан тинглаб, оз ва соз гапиришга ҳаракат қилинг.
- Иш ҳақидаги ҳисоботларни, ёзишмаларни диққат билан ўқинг.  
Керакли бўлганларини ўрганиб, кейин қарор қилинг.
- Иш жойини яқиндан топинг.
- Бюджетингизга эҳтиёткор бўлинг.
- Давлатни ижтимоий эҳтиёжларини қондириш фаолиятига қўшилинг.
- Кичиклар катталардан ибрат олиб ҳаракат қиладилар. Муомалада буни доимо эсда тутинг.
- Инсон тарбиялашни бурч деб билинг.

## **БИЛИМЛИ, АММО ЖАМИЯТДАН УЗИЛГАН ОДАМ**

Инглиз файласуфларидан бири Ричард Бентлий жуда ҳам тортинчок эди.

Францияда эканлигида бир шахзоданинг ҳузурига чақирилади.

Мезбонлар уни жуда ҳам яхши кутиб олишса-да у бироз ўзини ноқулай ҳис қилар эди.

Мажлисдагилардан бири шахзодадан сўради:

- Бу нотаниш киши ким бўлди?

Шахзода шундай жавоб берди:

- У шундай олим-ки, бутун дунё тилларида курси нима эканлигини билади, лекин ўзи курсида ўтиролмайди.

## **ОМАД ИНСОННИ ТАЛТАЙТИРИБ ЮБОРМАСЛИГИ КЕРАК**

Машҳур актёр Кирк Доуглас севиб томоша қилинадиган 5 фильмда қатнашган ўғли Майкл Даугласга жўнатган мактубида шундай деган эди:

- Майкл, қўлга киритган муваффақиятларингдан кўпроқ муваффақиятни тавозе билан қабул қилишингни хоҳлайман.

## **МУВАФФАҚИЯТ ЗАВҚИ**

Агар Оллоҳ биз хоҳлаган барча нарсани бизга берганида эди, қўлимиздаги энг катта мукофотини олиб қўйган бўлар эди. Яъни, бир ишни бажара олиш завқини....(Франк А. Кларк, америкалик ёзувчи)

## **АСОСИЙСИ БОШ ИЧИДА**

Султон Салим III замонида, ҳалоллиги билан танилган фақир бир олимни қози этиб сайлашмоқчи бўлишди. Қозининг оёқ кийимлар жуда эски ва ямоқли эди.

Баъзи мансабдор шахслар:

- Бундай оёғига кийишга оёқ кийими ҳам бўлмаган киши қози бўла оладими? – дея эътироз билдиришди. Буларни эшитган қозиликка номзод киши уларга шундай жавоб беради:
- Биз ҳукми оёқ билан эмас, бош билан чиқарамиз.

\*\*\*

**Ҳа, албатта, асосийси бошнинг ичида. Инсон билими, ғайрати, ақл- заковатидадир.**

### **ЁНИМГА КЕЛАЁТГАНИНГДА, ЎЗИНГ КЕЛ!**

Маҳмуд Камол Инал китобларидан жой олишни хоҳлаган бир киши ҳар куни уни таъқиб қилар эди.

У инсоннинг мақсади шу шаклда Маҳмуд Камолнинг диққат-эътиборини тортиш, ишончига кириш, ўша кунларда ёзаётган “Сўнгги аср турк шоирлари” китобидан жой олиш эди.

Яна бир куни Маҳмуд Камолни соядек таъқиб қилар экан, Маҳмуд Камол бей унга деди:

- Эй одам, бекорга келиб-кетаяпсан. Бундай ҳар куни бекорга келиб кетгандан кўра, бир марта бўлса ҳам ўзингга келсанг, ўзингга қайтсанг янада яхши қилар эдинг.

### **ҲАР БИР ЁШНИНГ ҲАҚҚИНИ БЕРИШ КЕРАК**

Профессор Сабаҳиддин Заим айтади:

- Бундан бир неча йил олдин трамвай бекатида раҳматли устозим Нуреттин Топчуга дуч келдим.
- Устоз, – деб қўлини ўпдим. Севинди, табассум қилди, кайфияти чоғ эди.

Мен илтифот мақсадида:

- Устоз, буни қаранг, йиллар сизга ўз таъсирини ўтказмапти!– дейишим билан устоз бирдан ўзгарди ва юзи тундлашди. Шундай тушунтира кетди:
- Шундайми? Ҳолбуки ҳар бир ёшнинг ҳаққини бериш керак. Демак, биз ёшимизнинг ҳаққининг бермабмиз.

Устоз шу даражада ҳафа бўлдилар-ки, сизга айтиб бера олмайман.

### **БАЪЗИ ИШЛАРДА ШОШИЛИШНИНГ ИЛОЖИ ЙЎҚ**

Иккинчи жаҳон урушининг илк йилларида, Американинг сафарбарлик ишлари мудирини Элмер Кундсен, ишларини керакли

даражада тез бажармаётганини айтиб уни танқид қилаётганларга шундай жавоб беради:

- Унутманглар, бугун биз дунёнинг энг яхши касалхоналарига, энг яхши акушер докторларига ва энг яхши шифохона ходимларига эгамиз. Аммо бу барча замонавий билимларга эга бўлган ходимларимиз ва татқиқотларга қарамасдан бола туғилишига тўққиз ой керак бўлади.

### **СУҚРОТ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЎҚУВЧИ ТАНЛАР ЭДИ?**

Ўқувчиларидан бири Суқротдан сўради:

- Бир кун бўлса ҳам сиздан дарс олиш учун келган ўқувчиларга нега кўлга қараб нима кўрганларини сўрайсиз? Бу ишни ўқувчиларга қандай алоқаси бор?

Суқрот бу саволга шундай жавоб берди:

- Бу бир имтиҳон. Ҳовузда балиқлар сузаётганини айтган ҳар бир болани ёнимга оламан, дарсларимга кўшаман. Аммо ҳовузда ўз аксларидан бошқа ҳеч нарса кўрмаганлар, ўзларига ошиқ инсонлар. Мен уларга бир мартаба ҳам дарс бермайман.

### **МАДАНИЯТ НИМА?**

Маданият инсон ўрганган барча нарсаларининг барчасини унутгандан сўнгра ёдида қолган қисмидир.

«Орқада қолган нарса нима?» десангиз менимча шулар:

- Инсон ичига сингдирган инсон севгиси;
- Инсонга ҳурмат;
- Сабр-тоқат;
- Соғлом фикр;
- Тўғрилиқ.
- Яна кечиримлиқ... (Селма Лагерлүф)

### **ОМАД ВА БАХТ ИККИ ЖУМЛАДА ЯШИРИНГАН**

Имом Шофеий ҳазратлари:

- Мен катталардан икки жумла ўргандим, у менга етди.

Биринчиси:

- Вақт шундай бир қиличдирки, сен уни яхши ишларга ишлатмасанг, у сенга ёмон ишлар қилдириб, яралашни бошлайди.

Иккинчиси эса:

- Сен нафсингни тўғри иш билан машғул қилмасанг, нафсинг сени ботил ишлар билан банд қилади.

Шунинг учун бекорчи инсон ёмон нарсаларни ўйлайди, нафсига ва шайтонга бўйсунди.

### **БЕШИҚДАН ТО ҚАБРГАЧА ИЛМ ИЗЛА**

Машҳур қози Абу Юсуф вафот этаётганда ҳушидан кетиб, кўзларини юмади. Негадир кейин кўзини очиб, бошида турган одамдан бир масала сўради. У одам, ҳозир масалани ҳал қилишнинг вақти эмас, бироз дамингизни олинг дегач;

- Қанийди келаётган ажал илм билан машғул бўлганимда келса эди. Мен ҳам у дунёга илм билан машғуллимда кетсам эди.

\*\*\*

Вақтни қадрига етганлардан яна бири Ҳаммоод бин Салама эди. Уни таниганлар шундай дейишар эди:

- Агар Азроил келиб жонингни олишдан олдин озгина вақт берса нима қиласан? – деб сўрасалар, қиладиган бирор иши йўқ. Чунки у бор вақтини яхши ишларга сарф қилган эди.

### **ВАҚТНИ ТЎХТАТА ОЛАСАНМИ?**

Илмли тобеинлардан бўлган Омирнинг ёнига бир киши келиб:

- Келинг, сиз билан озгина суҳбатлашайлик,– деган эди шундай жавоб олди:
- Қуёшни тўхтатиб тур, сен билан суҳбатлашаман.

Одам ҳайратланиб:



– Нега? – деди.

Амир шундай жавоб берди:

– Демакки, куёш тўхтаб турмайди, вақт ҳам ўтиб бораверади. Ё вақтни тўхтатиб тур, сен билан суҳбатлашаман ёки менинг вақтимни олма, қолган вақтимни мазмунли ўтказай.

### **САНЪАТКОР ҚАДРИНИ БИЛАЙЛИК**

Сўнгги даврлардаги машҳур хаттот Ҳамид Айтач, Истанбулда Рашид Афанди номли карвонсаройда ишлар эди.

Карвонсаройга кираверишда, зина бошида Маҳмуд номли бир чойчи бор эди.

Асабийроқ одам бўлган Маҳмуд бир куни хаттот Ҳамидга:

– Сен хаттот Ҳамид бўлсанг, мен чойчи Маҳмудман,– дея гапиради.

Вазиятни жиддийлаштиришни истамаган хаттот Ҳамид унга шундай жавоб берди:

– Менга қара, ҳар бир карвонсаройда чойчи Маҳмудни топиш мумкин, аммо хаттот Ҳамидни топа олмайсан.

### **ҚИЙИНЧИЛИКДАН СЎНГ РОҲАТ БОР**

Америкалик бир йигит, секропия деган ҳашарот пиллаларини тўплар ва баҳор келгач, пилладан қуртларни қандай қилиб чиқишларини ҳайрат билан кузатар эди. Лекин ҳашаротларни пилладан чиқаётганда қийналишларини кўриб, уларга ичи ачир эди.

Бир куни йигитнинг отаси ҳашаротлардан бирини, пилладан чиқишини қийинлаштирган ипни қайчи билан кесди.

Аммо кўп вақт ўтмасдан ҳашарот нобуд бўлди. Бу ҳодисани ҳайрат билан кузатиб турган ўғлига ота шундай тушунтириб берди:

– Ҳашарот пилладан чиқишга сарфлаган қуввати натижасида, танасидаги захарни ташқарига чиқариб юборади.

Агар у захар чиқиб кетмаса, ҳашарот нобуд бўлади.

## **ТАБИЙ БЎЛИШ**

Машҳур ёзувчилардан Брокс хоним лицейда ўқиётган вақтида сочларни орқадан ўнгга тўғри тараб юриш урф бўлган эди.

Брокс хоним буни эпложмагани учун жуда хафа бўлар эди. Қизини бу аҳволда кўрган отаси:

- Қизим, сочларингни ўртадан иккига айир, орқага тара ва лента билан боғлаб ол. Кўрасан, синфдошларингнинг ярми сеникидай қилиб сочларини тарайдилар.

Брокс хоним отаси айтгандай қилди. Ҳафта охирида секин-аста барча қизлар сочларини у тарагандай тарай бошладилар. Қизининг хурсандлигини кўрган отаси унга шундай насиҳат берган эди:

- Сен ҳамма қилган ишни қилма, дунёда биров табиий бўл.

## **САБРНИНГ СЎНГИ**

Уммавийлар давлати ҳукмдорларидан Зиёд, бир куни мажлис қилди. Хонада мушук бор эди. Хизматчилар уни хонадан қувиб чиқармоқчи бўлишганида Зиёд: “Мушукни ўз ҳолига қўйинг,” – деди.

Пешин ва аср намозларини масжидда ўқишгач, яна мажлисни давом эттирдилар. Қуёш ботишига яқин, у ерда бир сичқон пайдо бўлди. Ва мушук сичқонни тезда ушлаб олди.

Бу воқеани кузатиб турган Зиёд шундай деди:

- Кимки бирор нарсани қўлга киритмоқчи бўлса, мана шу мушукка ўхшаб сабри бўлсин.

## **ДОИМО ЯХШИ ИШЛАР БИЛАН БАНД БЎЛИНГ**

Буюк уламо Суфёни Саврий оғир касал бўлиб ётар эди.

Дўстлари кўргани келишди. Ораларидан бири ҳадис ўқиди. Суфён бу ҳадисни берилиб тинглади.

Олдин ҳеч эшитмаган эди. Лавҳа олиб дўсти айтган ҳадисни ёзиб олди.

Унга дедилар:

- Сен сўнгги дамингда ҳам ҳадис билан бандмисан? Бу ёзганингни сенга нима фойдаси бор?

Суфёни Сафрий дўстига шундай жавоб берди:

- Бу ҳадис чиройли экан. Агар яшасам, буни чиройли эшитдим.

Агар ўладиган бўлсам, яхши инсон сифатида ёздим.

Ҳар иккала вазиятда ҳам менинг фойдамга.

Ёмон қилмадим-ку!

## **УЛАМОЛАР БЎШ ВАҚТЛАРИНИ ҚАНДАЙ ЎТКАЗИШАР ЭДИ?**

Имом Шофеийдан сўрашди: “Илмга бўлган хирсингиз қандай?”. Шундай жавоб берди: “Кўп мол-дунё йиққан хасис, озгина давлат кўлга киритганда оладиган лаззат каби.”

\*\*\*

Ибн Жарир 839 йилда дунёга келиб, 922 йилда вафот этган. 86 йил умр кўрган. 40 йил давомида ҳар кун 40 саҳифа ёзди. Яъни 80 саҳифа. 86 йиллик умрини асарларига бўлиб чиқдилар. Ҳар куни 14 саҳифа (28 саҳифа)га тўғри келади. Барча асарлари якуни 359.000 саҳифа, яъни 718.000 саҳифани ташкил этади.

\*\*\*

Имом Абул Фараж ибнул Жавзий 1114 йилда туғилди. 1201 йилда вафот этди. 85 йиллик умри давомида 500 дан ортиқ китоб ёзди.

\*\*\*

Бир қанча одамлар Маъруф Карҳий билан ўтиришган эди. Булар узоқ ўтиришгач, Маъруф уларга шундай деди: “Қуёшнинг ҳаракатини бошқарган Оллоҳ уни айлантиришдан бир лаҳза ҳам тўхтамайди. Сизлар қачонгача ўтирасизлар?”

\*\*\*

Ибнул Жавзийнинг асарлари 340 дан ортиқдир. Ҳар куни 4 бўлим ёзар эди. Шу тарзда йил давомида 50-60 та жилд китоб ёзиларди. Набираси

Абул Музаффар бобосининг: “Шу икки бармоғим билан 2000 жилд китоб  
ёздим,”– деганини ривоят қилади.

\*\*\*

63 ёшида вафот этган Фахриддин ар-Розий ўзидан 200 дан ортиқ асар  
қолдирган.

\*\*\*

Имом Абдулхай ал Лақнавий 39 ёшида дунёдан кўз юмганида асарлари  
110 дан ортиқ эди.

\*\*\*

Ҳиндистонлик устоз, Мавлоно Ашраф Али Танавий 81 ёшида вафот  
этганида (1943) асарлари 1000 дан ортиқ эди.

\*\*\*

Имом Абу Муҳаммад Али ибн Ҳазм 400 жилд асар қолдирган бўлиб,  
тахминан 800.000 саҳифадан иборат.

\*\*\*

Буюк ҳадисшунос олим Байҳақий 1000 жуз асар ёзиб қолдирган.

\*\*\*

Ҳофиз Абулқосим бин Асакир ад Дамашқий 70 ёшда вафот этган. (1105-  
1175). Асарлари 50 дан ортиқ бўлиб, ”Мадинат-и Дамашқ” асарининг ўзи  
80 жилд.

### **САФСАТА ЭМАС, ТАНЛАНГАН АСАРЛАР ЎҚИНГ!**

Ирландиялик машҳур адвокат Оратор Курран судя илгари сурган  
масалани кутубхонасидаги ҳеч қандай ҳуқуқ китобларида учратмаганини  
айтади.

Судя Робинсон мазҳараомуз охангда:

- Бўлиши мумкин жаноб, аммо сизнинг кутубхонангиз ҳар қалай  
хароба кутубхона бўлса керак! – деган эди, Курран шу жавобни  
берган эди:
- Жуда ҳам тўғри гапирдингиз судя жаноблари! Мен ҳақиқатдан  
ҳам, камбағал одамман. Бу камбағаллик, шубҳасиз, менинг

кутубхонамга ҳам тегишли бўлиши мумкин. Китобларимнинг сони оз бўлиши мумкин, лекин ҳаммаси сафсата эмас, танланган асарлар.

### **БОШҚАРУВ САНЪАТИ**

- Бошқарувчининг алоҳида хусусияти — умидларини сақлаб тура олишидир. (Жон В. Гарднер)
- Йўлбошчилик, бажарилиши орзу қилган ишни, худди бошқалар орзу қилгандек, уларга бажартиришдир. (Эйзнхаур)
- Хақиқий бошлиқ, омадсизликка учраганда ўз елкасига тушганидан бироз кўпроғини, муваффақиятга эришгач эса ўзига оз қисмини айирганидир. (Арнолд Гласгов)
- Капитаннинг маҳорати учраган бўронлари билан эмас, кемани портга олиб келган-келмаганлиги билан ўлчанади (Вилльям М. Фэа)

### **ЎЙЛАШ**

- Яхши фикрлар, катта ишлар кабидир. Уларни ҳам довулга эҳтиёжи йўқ. (П. Ж. Баилэй)
- Яхши фикрлар юракдан туғилади. (Ваувэнаргуеэс)
- Тушунча бир марта уйғондим, иккинчи марта уйғонмайди. (Томас Карйле)
- Ўйлаш кўришдир. (Х. Балзак)

### **ОЧКЎЗЛИК ОҚИБАТИ**

Жазоирда бир киши дарахтга қовоқ боғлабди ва гуруч тўлдирибди. Қовоқдаги тешикни фақатгина бир маймуннинг қўли сиғадиган даражада кенгайтирибди. Кечаси маймун келиб қўлини тешикдан ичкарига тикиб гуручни ҳовучлаб кўрибди. Ҳовучи гуручга тўлгач эса қўли тешикка сиғмай қолибди. Ҳовучини бўшатиб қўлини қовоқдан чиқариб олишга эса калласи ишламабди.

Тонггача шу зайлда қолибди ва эрталаб тузоқ кўйган киши келиб маймунга ҳайратланиб боқибди ва уни тутиб олибди. Шунда ҳам маймун гуручни ҳовучлари ичида сиқиб турар эди. Қиссадан ҳисса чиқариш сизга қолди.

## **“ИМКОНСИЗ” СЎЗИНИ ЛУҒАТЛАРДАН ЎЧИРИБ ТАШЛАШ КЕРАК**

Бирор ишни қилишга қатъий бел боғлаган инсон, бу мақсадга тўсиқлардан ўтиб эришади.

Ричелин ҳам Наполеон каби “имконсиз” сўзининг луғатлардан чиқариб ташлашни жуда хоҳларди. Унинг энг кўп нафратланадиган сўзлари қуйидагилар эди:

– Билмайман..... Қила олмайман..... Мумкин эмас.....

Қатъият билан шуларни сўзларди:

– Ўрганинг! – Бажаринг! – Тажриба қилинг!

## **ЯХШИ ФЕЪЛ-АТВОРГА ЭГА БЎЛИШ**

Яхши феъл-атворга эга бўлган инсон, бир ўзи қолса ҳам, кўпчилик ичида бўлса ҳам тўғри ҳаракат қилади.

Ёнида ҳеч ким бўлмаса ҳам нега чўнтагига бир дона нок солмаган болага савол беришганда у шундай жавоб берган эди:

– Нега ҳеч ким бўлмас экан? Мен ўша ерда эдим-ку. Ўзимнинг бундай беодоблик қилишимни кўришни хоҳламадим.

## **САНЪАТДА МУВАФФАҚИЯТ СИРИ**

Санъатда муваффақиятга бошқа илмларда бўлгани каби, фақатгина кучли ғайрат ва меҳнат билан эришилади.

Мукамал бир асарнинг пайдо бўлишида тасодиф йўқ. Санъаткорлик мўйқаламни чиройли ишлатиши ва қаламни ишлата олиш қобилияти йиллар давомидаги меҳнатлар натижасидир.

Тасуа Рейнолд, Баррига жўнатган мактубида шундай деган:

– Санъатни кимдир сендан мукамал ўрганмоқчи бўлса, уйқудан уйғонганидан, ухлагунга қадар бўлган вақтда, фикрини бир нуқтада жойлаши керак.

## **КАТТА ҚАДАМЛАР ТАШЛАНГ**

– Агар борадиган манзилингизни аниқ билсангиз, катта қадамлар ташлашдан кўрқманг.

Жарликдан ҳеч қачон иккита кичик қадам билан ўтиб кетолмайсан (Лёлд Жорж, Англия бош вазири) .

## **ИНСОНЛАРНИ ЯХШИ БИЛИБ ОЛИНГ**

Инсонларни хулқ-атвори ва Ҳаётдаги ролига кўра учга ажратаман:

- Ўзи устида ўтирган дарахтни кесадиган;
- Биров ўтирадиган дарахтни кесадиган;
- Бошқа одам ўтирган шохни кесаяпман, деб ўйлаб, ўзи ўтирган шохни кесадиган.(Рефик Халид Карай)

## **ДУНЁ УЧ ТОИФА:**

- Бирор ишни кашф қилган ва у ишни бажарган таниқли гуруҳ;
- Бирор ишни томоша қилган бироз каттароқ гуруҳ;
- Ва барча нарса содир бўлиб, тугаганини билмасдан яшаган доимий бир оломон.

(Николас Муррей Бутлер – Колумбия университети ректори)

## **ИНСОНЛАР АСОСАН УЧ ТУРГА БЎЛИНАДИ:**

- Билимни севадиган, шон-шуҳратни севадиган, пулни севадиган. (Платон)

\*\*\*

– Ё аслинг каби кўрин, ё кўринганинг каби бўл. (Жалолиддин Румий)

– Дунёдаги энг ёмон инсонлар, асосан, бирор нарсага муҳтож бўлиб қолганларида дунёнинг энг яхши инсони бўладилар. (Эбер Вен Эсченберг)

– Кўринганларидан яна-да яхши бўлган инсонлар оздир.(Лессинг)

– Дунёда ҳеч нима инсончалик юксала олмайди ва у каби пасаймайди.(Ҳолдерлинг)

- Инсон туғилишидан яхши бўлади. Уни ёмонга чиқарган атроф-муҳит ва жамиятдир. (Унамуно)
- Инсон нуқсонларга тўла. (Бальзак)
- Инсон ҳолидан мамнун бўлганини кўрганмисиз? (Анатоле Франс)
- Инсон ўзгаради ва ўзгартиради.(Бертольд Бренд)
- Мукамал инсонни оқсаган тарафлари яна-да кўпроқ аниқ бўлади. (Гёте)

Коинот гултожи инсондир азал,

Ундадир энг олий тафаккур, амал.

Ҳатто у тубанлик ичра ҳам танҳо,

Эй фалак, ижодинг мунча мукамал?

(Абдулла Орипов)

\*\*\*

### **ҲАРАКАТДА БАРАКАТ БОРДИР**

Ҳар қандай ҳалол меҳнатда барака ва шараф бордир.

Фуллер “Ҳалол бир иши бор инсон эмас, иши йўқ инсон уялсин,” - деган.

Американинг бир бош вазиридан ёшлиги ҳақида сўрашганида у шундай деган:

- Бир жуфт энгсиз кўйлак.

\*\*\*

- Энг кўп исроф қилаётганимиз – ВАҚТдир. Ҳолбуки бунинг ҳисоб-китоби бор. (Умар Форук Жазарий)



## **ВАҚТДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ КЕРАК**

Америка президенти Жорж Вашингтоннинг секретари соати нотўғри бўлганлиги сабабли ишга бироз кеч қолади. Жорж Вашингтондан узр сўраганда у совуққонлик билан:

– Агар шундай давом этса, ё сен ўзингга янги соат сотиб оласан, ёки мен ўзимга янги секретар оламан.

\*\*\*

Лорд Шестерфилд, эски Нью-Кестл тўғрисида шундай деган:

– Лорд Шестерфилд жаноблари тонгда бир соатларини йўкотадилар ва уни топиш учун кун бўйи қидирадилар.

## **ҚАЙТА ХАТО ҚИЛИШДАН ҚЎРҚИНГ**

– Дастлабки хато қилиш билмасликнинг, аммо кейинчилари эса айбнинг натижасидир. (Оливер Голдсмит)

– Хатоларнинг аксарияти инсонлар учун энг яхши ўқитувчидир. (Ж. Фруд)

– Хатолар сомон чўпларига ўхшайди. Сувнинг юзида юради. Инсонлар уни дарров кўра оладилар. (Дреден)

– Орзуларга чегара қўймаслик, инсонларнинг энг катта хатосидир. (Максвелли)

## **СОХТАКОРЛИК БИЛАН КЕЛГАН ОМАД – АЛДОВДИР**

Ўзи учун кадри бир пул ҳам бўлмаган пичоқни, икки пенъига сотган балиқчига Латимер шундай деган эди:

– Сен мени эмас, ўз виждонингни алдадинг.

Алдов ва ёлғон билан топилган пул, бирозгина инсонларнинг кўзларини қамаштириши мумкин, аммо бу каби сохтакорлар пуфлайдиган шарлар ёрилиб ҳавода сўнишга маҳкумдир.

## **СУХБАТДОШИНГИЗНИНГ ҚИЗИҚТИРГАН МАВЗУЛАРНИ ЎРГАНИНГ**

Президент Теодор Рузвельт, ким билан учрашишидан қатъи назар, у инсон билан қайси мавзуда гаплашишни олдиндан билар эди. Сухбатдошининг қилган ишлари ҳақида баҳс юритар, муваффақиятларини тақдирларди.

Қизик, Рузвельт бу ишни қандай амалга оширар эди?

Бу жуда оддий. Кўришмоқчи бўлган инсон билан суҳбатлашишдан олдин, унинг қандай мавзуларни қизиқтиришини ўрганар, ўзини ўша мавзуга тайёрлар эди.

Чунки Рузвельт ҳам бошқа йўлбошчилар каби яхши билар эди-ки, инсонлар ўзларини қизиқтирган мавзу ҳақида гаплашишни ёқтиришади. Инсонларнинг қалбига кириб боришнинг энг осон йўли, уларни қизиқтирган мавзулар ҳақида суҳбатлашишдир.

## **БАХТ ВА ОМАД ИСТАГАН КИШИ ЯХШИЛИКНИ СЕВАДИГАН БЎЛСИН**

- Яхшиликни энг мукаммали, яхшилик қилган одамга миннат қилинмаганидир. (Бальзак)
- Яхшилик инсоният санъатидир. (Низомиддин Ганжавий)
- Инсон ҳаётда қилган яхшиликлари муқобилида бахтли бўлади. (Шаҳобиддин Аҳмад)
- Ваҳший инсон тузоқ билан, одам боласи яхшилик билан овланади. (Шайх Саъдий)
- Кулар юз ила ато, сахо устига сахо (Алишер Навоий )

## **БИР ЖЕНТЕЛЬМЕНЛИК МИСОЛИ**

Яле университети профессори Вильям Лёнс айтади:

- Саккиз ёшлигимда аммамни кўргани бордим. Уни уйида бир ўрта ёшли кишига дуч келдим.

Ўша пайтларда мени жуда қизиқтирган мавзу кема ва кемачилик эди.

Аммамнинг меҳмони билан бу мавзуда мириқиб суҳбатлашдим. Уни ёқтириб қолдим. Меҳмон кетгач, аммамга у ҳақида гапирдим ва ажойиб кемачи эканлигини айтдим.

Аммам уни Нью-Йоркда адвокат бўлиб ишлашини ва кемачиликка ҳеч қандай алоқаси йўқлигини айтгач, хайратланиб сўрадим:

— Ундай бўлса нега мен билан фақат кемалар ҳақида гаплашди?

— Чунки у бир жентельмен. Сени кемаларга қизиқишингни тушуниб, сени қизиқтирган ва ёқтирган мавзуда гаплашди. Шу йўл орқали ўзини сенга севдирди.

### **ОМАД АҚЛДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИШГА БОҒЛИҚ**

— Ақл билан дўст бўлмасанг, бу дўстликни ақлсизлик осонликча буза олади.

— Ақлли инсон ақли билан мағрур эмас, машғул бўлади.

— Инсонларга энг ҳаққоний тарқатилган ақл бўлса керак. Чунки ҳеч ким, ақл пайларидан шикоят қилмайди. (Монтагине)

— Инсон ўз ақлидан кўнгли тўлиши учун, ундан ҳам ақллироқ бўлган нарсаларни кўриши керак (Персиус)

— Ҳамма тушунчаларни фақатгина ақл пиширади. (Фирдавсий)

— Ақлли инсон, бошқаларнинг камчиликларини кўриб ўз камчиликларини тузатади. (Шарқ ҳикмати)

— Бошқалардан янада ақлли бўла оласан, фақатгина уларга янада ақлли бўлганингни айтма. (Честерфильд)

— Ақлли инсон душманидан ҳам бирор нарса ўрганишни билади.

## **ҚАРМОҚНИНГ УЧИГА БАЛИҚ ЁҚТИРАДИГАН ЕМИШ ИЛИНГ**

Ҳар ёз мавсумида балиқ овига борар эдим. Кремли гилос ейишни ёқтираман. Балиқлар эса қурт ва чувалчанглари афзал кўришади.

Балиқ овига чиққанимда улар нима хоҳлашини олдиндан билганим учун қармоқ учига кремли гилос илмайман. Унинг ўрнига чувалчанг илиб, денгизга қармоқ ташлайман ва балиқларга:

– Бу сизга ёқдими?– дея сўрайман.

Инсонларга таъсир қилиш, ишончларини қозониш учун ҳам нега бу усулни синаб кўрмаймиз?

### **ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИНИ ТУШУНИБ ЕТМАСДАН МУВАФФАҚИЯТ БЎЛМАЙДИ**

- Ҳаёт доимо бир текис кетмайди, баъзида кўтарилади, баъзида пасаяди. (Чаэтаубрианд)
- Ҳаёт биз тирикларга қийинчиликсиз ҳеч нима бермайди. (Ҳаратиус)
- Ҳаёт қадри узок яшашда эмас, яхши яшашда. (Монтагнэ)
- Ҳаёт бир ўйинга ўхшайди. Узок давом этиши эмас, яхши ўйнаш муҳим. (Сенека)
- Ҳаётда доимо ширин ва аччиқ аралаш. (Любвиг Тэск)
- Инсоннинг ҳаёти, унинг ҳаёллари билан қурилади. (Андре Гид)

### **БУЗОҚНИ ОҒИЛИГА ҚАНДАЙ ЧИҚАРДИ?**

Эмерсон билан ўғли бузоқни оғилга киргизмоқчи бўлишди. Эмерсон бузоғни тортяпти, ўғли эса унга ёрдамлашяпти. Бузоқ эса қайсарлик қилиб турибди. Уйдаги хизматчи воқеани кузатиб турар эди. Гарчи у Эмерсон каби китоб ва мақолалар ёзмаса ҳам, чорвачиликни ундан яхши билар эди.

Дастлаб, бузоққа меҳр билан яқинлашди. Бошини силади. Сўнгра бармоғидан бирини бузоқнинг оғзига тиқиб, секин-секин оғилга чиқарди.

\*\*\*

Сухбатдошингизни ўзингизга кўниктириш учун, ўз истакларингизни унга баландпарвоз сўзлар билан тушунтиришга уринманг. Уни нималар хоҳлашини билиб, муомала қилинг.

## **АЖОЙИБ ҲИСОБ – КИТОБ**

Машҳур ишбилармон қўлга киритган муваффақиятлари сирларини шундай баён қилади:

– Йиллар давомида айтган гапларимни бир дафтарга ёзар эдим. Шанба куни кечалари бир чеккага чиқиб олиб ўзимни ҳисоб-китоб қилардим. Қилган ишларимни кўздан кечириб, ўз-ўзимдан сўрар эдим:

– Бу ҳафтадаги муваффақиятим нималар? Тажрибаларимдан олган дарсларим нималар?

Бу ҳафтадаги ҳисоб-китоб менга олдинги хатоларим қанчалик кўп бўлганини кўрсатар эди. Аммо йиллар ўтгач, хатоларим камайди ўзимни танқид қилишда йиллаб давом этдим ва шунинг оқибатида кўплаб муваффақиятларга эришдим.

## **ДОНОЛИК**

- Нодоннинг дили- тилида  
Дононинг тили-дилида. (Ўзбек халқ мақоли)
- Доно одам, яхши ишларни ҳам меъёрида қилади. (Жувеналис)
- Доно ёқимлисини эмас, яхшисини танлайди (Упаншат)
- Билимли инсон барча нарсага дўстона қараган эмас, ҳайрат билан қараган кишидир (Андрей Гиде).
- Донолик бутларни йиқитиш эмас, ҳеч қандай бут қўймасликдир. (Амберто Эко).
- Донолик бўлишилганда ортадиган хазинадир. (Бхартрихати)
- Доноликдан бошқа ҳеч қандай нарсага ҳавас қилма (Мулла Жомий)
- Қалбнинг қанақалигини амал кўрсатади. (Муҳаммад Камол)

## **ОДАТЛАРИГА АСИР БЎЛГАН ИНСОН, МУВАФФАҚИЯТСИЗЛИККА МАҲКУМ БЎЛАДИ**

- Ўрганиб қолишнинг юки жуда оғирдир. (Пуплиус Сайрус)
- Модомики одатлар ҳаётимизнинг энг биринчи ҳокимларидир, улар бизни бошқарадилар. Шундай экан, нима қилиб бўлсаям яхши одатлар орттиришга улгуришимиз керак (Ф. Бакон).
- Одатларга тескари одатлар билан ҳоким бўлинади (Эпиктетос).

## **ЎЗ-ЎЗИНИ ХУРСАНД ҚИЛИШНИНГ ЙЎЛИ**

Ичингиздан кулгингиз, хурсанд бўлгингиз келаяптими?

Ундай бўлса ягона бир йўли бор: ўзингизни табассум қилишга мажбурланг. Ўзингизни бахтиёр ҳис қилинг.

Профессор Вилъям Жеймс, бу усулни куйидагича баён қилади: ҳаракатларни туйғулар таъқиб қилиши кузатилади. Фақат ҳақиқатдагина туйғулар ва ҳаракат бирлашади. Шундай экан кайфиятимиз йўқолган вақт кайфиятимиз яхшидек ҳаракат қилиш ҳамма нарсани ҳал қилади.

## **МУВАФФАҚ БЎЛИШ ХОҲИШИ ВА ҒОЛИБ КЕЛИШ ТУЙҒУСИ**

Ғолиб келиш туйғуси, инсонларнинг ғайратига ғайрат қўшади. Агар шундай бўлмаганда эди, Теодор Рузвельт президент бўлмас эди.

Рузвельт Кубадан Америкага келади ва Нью-Йорк ҳокимлигига ўз номзодини қўяди. Рақиб гуруҳ, уни Нью-Йорклик эмаслигини билиб қолиб, унинг зиёнига иш олиб борадилар.

Дастлаб Рузвельтнинг иштиёқи сўнади ва номзодликдан воз кечмоқчи бўлади, аммо Томас Коллер Платт унга:

– Сен Юан Ҳилл қахрамонисан, нега кўрқасан? – деган эди, бу сўз Рузвельтни қамчилади. У қайтадан рақибларга қарши курашга киришди.

Натижада бу ҳаракатлар Рузвельтни Америка халқи хотирасида ёрқин из қолдиришига сабаб бўлди.

## **ИНСОНЛАРНИНГ АҲМОҚЛИКЛАРИДАН ДАРС ОЛИШ КЕРАК**

- Аҳмоқлар ақллилардан жуда оз нарса ўрганишади. Аммо ақллилар аҳмоқлардан жуда кўп нарса ўрганишади. (Като)
- Ёшлар қарияларни аҳмоқ деб ҳисоблашади. Аммо қариялар ёшларни аҳмоқлик қилаётганликларини билишади. (Георг Чапман)
- Керакли жойда изох бермаган, кераксиз ерда эса изохлаган инсонга аҳмоқ дейишади. (Алаин)
- Бир аҳмоққа бас келиш қотил ва ўғрига бас келишдан кийинроқдир. (Чарлз Вилдрак)
- Аҳмоқларга бош бўлгунча,  
Доноларга ёш бўл. (Ўзбек халқ мақоли)

## **ФУРСАТДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНГАН МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШАДИ**

- Фурсат инсон дарвозасини икки маротаба тақиллатмайди. (Чамфорт)
- Инсонни қаршисига ёмонлик бир кунда юз маротаба, яхшилик қилиш имконияти эса йилда бир маротаба чиқади (Вольтер).
- Кўп нарса қайтиб келмайди: гапирилган гап, отилган ўк, ўтиб кетган вақт, кўлдан чиқарилган фурсат. (Ҳазрати Умар)
- Ҳаёт Оллоҳнинг совғасидир, фақатгина яхши яшаш тушунчанг совғасидир. (Сенека)
- Ҳар нарсанинг қазоси бўлади аммо фурсатларнинг қазоси бўлмас. (Ҳикмат)

## **СУҲБАТДОШИНГИЗНИ ТАНҚИД ҚИЛМАНГ, УЛАРНИ ТУШУНИНГ**

Ички урушлар бўлаётган бир вақтда, Абраам Линкольн армияга олд генераллар тайинлар эди. Аммо буларнинг хато қилганларини кўриб хафа бўлар эди. Барча генералларни танқид қилар экан, Линкольн уларни ҳимоя қилар эди.

Генералларни аямай танқид қилганларга шундай жавоб берар эди:

– Уларни тинч қўйинг. Шундай вазиятга тушиб қолсак биз ҳам шундай қилардик.

\*\*\*

Инсонларни танқид қилиш осон. Омадли кишилар инсонларни турли хил танқид ўрнига, нима учун ундай қилганларини тушунишга ҳаракат қилишади. Шундай йўл тутилса танқид сабабли кўнгиш қолдириш, нафсониятига тегиш ҳолатларини олди олинади.

### **ҲАММАГА БИРДЕК ЁҚИШНИНГ ЙЎЛИ**

Бенжамин Франклин ёшлигида дўстларидан бири уни бир четга тортиб шундай деган эди:

– Франклин! Сен юрган йўлдан юришнинг имкони йўқ. Ўзингдек ўйламаганларга тезда тазйиқ ўтказасан. Ҳамма сендан қочади, ҳеч ким сен билан дўст бўлишни хоҳламайди.

Франклин қилган ишлари уни жамиятдан узоқлаштиришни, ўртоқлари ва дўстларидан ажралиши мумкинлигини билгач дарҳол ўзгаришга киришади.

Бошқаларнинг тушунчаларини муҳокама қила бошлади ва уларни фикрини баён этишларига кўникди. “Шубҳасиз”, “аниқ” каби даъво сўзлари ўрнига “ўйлашимча”, “билишимча” каби сўзларни ишлатишни афзал кўрди. Шунинг учун жамиятда ўзига хос обрў қозонди

### **ҚИЙИННИ ЭПЛАШ ЗАВҚИ**

– Қийинчиликлар қанчалик катта бўлса, уларни енгиб ўтишдан кейинги завқ ажойиб.

– Моҳир капитанлар, моҳирлик ва абжирликларини, қутулган бўронлари билан қўлга киритганлар.(Эпикур)



## **ФАРҚЛИ ЎЙЛАШДАН ҚЎРҚМАНГ**

– Оқимга қарши эшкак эшишдан қўрқманг. Инсонларнинг қўлга киритган ютуқлари одатдан ташқари, фарқли ўйлашлари ва вазиятдан чиқиб кета оладиганлар ёрдамида амалга ошади. (Ғарб ҳикмати)

## **ИНСОНЛАР ФАЛОКАТЛАРДАН КАТТА ДАРС ОЛИШЛАРИ МУМКИН**

- Фалокат каби устоз кам топилади. (Абдулҳақ Тарҳан)
- Фалокат ақлни тарбиялайди. (Виктор Гюго)
- Фалокат кичик руҳ эгасини йўқ қилади, аммо кучли руҳ эгасини жонлантиради. (Мактубчи Огоҳ)
- Олов олтинни, фалокат эса жасур инсонни синайди. (Сенека)
- Инсонларнинг бахтга қанчалик эҳтиёжлари бўлса, фалокатга ҳам шундай эҳтиёжлари бор. (Достоевский)
- Яхши инсонлар, бирор бир фалокатларга дуч келишса, янада яхши инсон бўладилар. (Ҳенри Ф. Амиел)
- Фалокатлар бизни қўллаб-қувватловчи тилсимдир. (Бальзак)
- Ҳар доим фалокатларни ўз қўлларимиз билан тайёрлаймиз. (Андре Мауроис)
- Фалокат инсоннинг ҳақиқий миҳанг тошидир (Беаумонт ве Флетчер)
- Ҳар нарсага ғам ема парча нонни кам ема. (Ўзбек халқ мақоли)

## **СУҚРОТНИНГ ТАН ОЛДИРИШ МЕТОДИ**

Суқрот бирор бир одам билан суҳбатлашар экан, дастлаб суҳбатдошига жавоб бера оладиган осонроқ саволлар сўрар ва бир неча харфдан иборат бўлган жавоблардан сўнг суҳбатдошига ўз фикрини қабул қилдирар эди.

У ҳеч қачон суҳбатдошини йўқ дейишига йўл қўймас эди. Инсонларнинг хатоларини очик айтишни ёқтирмасди.

Сухбатдошига маъқул бўлган бир оз савол-жавобдан сўнг унинг янглишганини айтиб ўтар ва сухбатдошига ҳам буни қабул қилдиран эди.

### **ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЧИРОЙЛИ ТАНҚИД ҚИЛСА БЎЛАДИ?**

Калвин Коолидге президент йилларида бир куни котибасига шундай деган эди:

– Бугун жудаям чиройли кийинибсиз. Сиз дидли аёлсиз.

Котиба аёл бу илтифотдан бироз ҳаяжонланади ва хурсанд бўлади. Аммо Коолидге сўзларини шундай тамомлади:

– Аммо сиздан бир илтимосим бор. Бундан кейин ёзаётганингизда тиниш белгиларига янада диққат этинг.

Коолидге қўллаган бу усул ажойиб усул эди. Чунки инсонларга илтифот қилинганидан сўнг, камчиликларини айтишингизга чидайди. Сартарош ҳам бирор кишини соқолини олишдан олдин совун сурмайдими?

### **ИНСОНЛАРНИ АЛДАБ МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИША ОЛМАЙСИЗ**

– Гуноҳларнинг энг каттаси ёлғончиликдир. (Ҳадис)

– Бошқаларни алдаган инсонлар, яхши инсон эмас. (Лао-Тзу)

– Алданиш, янглишиш инсонга хос. Аммо алдаш, инсонга ярашмайдиган ҳол. (Тҳеогнис)

– Қилишни хоҳламаган бирор нарсага, шу заҳотиёқ “бўлмайди” десанг камроқ алдаган бўласан. (Публисус Сайрус)

– Бирортасини алдаган, бошқасини ҳам алдайди. (Стефен Свейг)

– Қайтариб беролмайдиган нарсани олиш ҳам алдашдир. (Публисус Сайрус)

– Инсон бошқалардан кўра кўпроқ ўзини алдашга уринган махлуқотдир. Ҳамма даставвал нафсига ёлғон гапириш билан вақтини ўтказади. (Рефид Ҳалид Карай)

– Ўзини бошқалардан айёрроқ санаган одам, фақатгина ўзини алдайди. (Ла Рочефаунд)

- Инсон ўзини-ўзи яхшилаб алдаши ва пушаймонлик туйғуларини енгиш учун қандай баҳоналарни топади, қандай ! (Тевлон)

### **ҲАҚИҚИЙ ДЎСТ**

- Айбсиз дўст излаган дўстсиз қолар. (Шарқ ҳикмати)
- Агар умуман дўстинг бўлмаса, сен бирор кишига дўст бўлавер (Дейл Карнеги)
- Сенинг ҳақиқий дўстинг сенга хато ва камчиликларингни кўрсатганидир. (Абу Жафар)
- Дўст бўлсанг дўстингнинг айбини тузат. (Ўзбек ғалқ мақоли)
- Ҳақиқий дўст, уни унутганларни унутмаган инсондир. (Асир ҳикмати)
- Ҳақиқий дўст, худди инсоннинг иккинчи ўзидир. (Чичеро)

### **ЗАВОД ИЧИДА СИГАРЕТ ЧЕКИШГА ҚАНДАЙ ҚАРШИ ЧИҚДИ?**

Чарльз Шверб, кулупнай фабрикасининг бирида айланиб юрар экан, ишчилардан баъзиларининг сигарет чекишаётганини кўриб қолади.

Ҳолбуки ишчиларнинг бошларидан баландроқда деворга “Чекиш мумкин эмас” деб ёзилган лавҳа осиб қўйилган эди.

Чарльз Шверб уларга яқинлашиб:

- Ўқишни билмайсизларми? – деб сўрамади. Аксинча, уларга яқинлашиб бир кути сигарет берди.
- Ишингизни тугатганингиздан сўнгра бунга ташқарида чексангиз хурсанд бўламан,– деб ишчиларга бу ерда сигарет чекиш мумкин эмаслигини нозик йўл билан тушунтирди. Шундай ажойиб хусусиятлари учун ҳам у ишчилар севган бошлиқ эди.

### **МУВАФФАҚИЯТИНГИЗНИ КАМТАРЛИК БИЛАН ТУГАТИНГ**

- Борликда мақтанма  
Йўқликда қайғурма. (Ўзбек халқ мақоли)
- Яхшилик ва камтарлик барча душманликларни енгади. (Аменомопе)

- Катта муваффақиятлар кишини довдиратиб қўймаган тақдирда киши камтар бўла олади. (Алаин)
- Камтарлик чимматга ўхшайди. Ўрасанг гўзаллашади. (Жаноб Шаҳобиддин)
- Залолатга етакловчи ортиқча камтарликнинг ҳам ғурур каби ўзига яраша таҳликалари бор. (Ж.Ж.Руссо)

### **РУҲИНГИЗНИ ЁМОНЛИКЛАРДАН ХАЛОС ҚИЛИНГ**

- Ёмонликни ўрганишнинг ёши йўқ. (Лессинг)
- Фазилат ниқобига бурканган ва ундан ёрдам олмаган ёмонлик борми? (Ла Бруере)
- Ёмонлик кўпинча софлик терисига яширинади. (Ҳикмат)
- Яхшилик қилишга кучинг етмаса, ёмонлик ҳам қилма. (Фаридиддин Аттор)
- Ёмонлик қилишни истаган киши доимо баҳона топади. (Публисус Сайрус)
- Ёмонларга сабр қилган сайин улар янада ҳаддан ошишади. (Шайх Саъдий)
- Ёмон инсон сифатида яратилган инсонга илм ўргатиш, йўлингни тўсган қароқчига қурол беришга ўхшайди. (Жалолиддин Румий)
- Инсонлар яхшиликдан кўра кўпроқ ёмонликдан ибрат оладилар. (Чатеаубрианд)
- Дунёдаги барча ёмонликлар, жаҳолатдан таралади. (Алберт Камю)

### **ДЎСТ ОРТТИРИШ НОЗИК БИР САНЪАТДИР**

- Ўй-фикрда уйғунлик дўстликни пайдо қилади. (Демокрит)
- Самимий дўстлик фақатгина тўғри ҳисоб-китоб билан қурилади. (Бальзак)

- Дўстлик шунчалик осон қурилади-ки, аммо давом эттириш... (Ўздемир Асаф)
- Дўстликнинг қўллари бир-биримизни дунёнинг бир учидан иккинчи учига қучоқлай оладиган даражада узундир. (Монтаигне)

### **ОЗИГА ҚАНОАТ ҚИЛМАСДАН КЎП НАРСАНИ ҚЎЛГА КИРИТОЛМАЙМИЗ**

- Киши учун энг фойдали, дилни ёритувчи нарса қаноатдир. Энг зарарли ва нафратли нарса ҳирс ва ғазабдир. (Абу Али ибн Сино)
- Бизни фақатгина қаноаткорлик бахтли қила олади. (Эрасмус)
- Ер юзидаги барча изтироблар озига қаноат қилмасликдан келиб чиқади. (Фирдавсий)
- Қаноатдан насибаси бўлмаган инсонни, дунё моли қандай қилиб бой қила олади? (Фаридиддин Аттор)
- Қаноат нафсга жиловдир. (Мавий)

### **МЕН КИММАН?**

- Эл нетиб топгай мениким,  
Мен ўзимни топмасам? (Алишер Навоий)
- Нима эканликларини билмаганлар, нима деганларини ҳам билмайдилар (Паул Варелй)
- Ким эканини билган инсон баъзи ўзини билмайдиганларнинг, гапларига парво қилмайди. (Ибн Сино)
- Энг қийин илм ўзини билишдир. (Мигель де Унамуно)
- Илм илм билмоқдир,  
Илм ўзни билмоқдир.  
Сен ўзингни билмасанг,  
Бу қандай ўқимоқдир (Юнус Эмро)

### **ОЛДИН ҲАҚИҚАТНИ ТАНИБ ОЛИНГ**

- Олдин ҳақиқатни билиш керак, чунки тўғри номоён бўлса, хатолик ҳам билинади.

Аммо олдин ёлғон ошкор бўлса, хақиқат билинмай қолади. (Фаробий)

- Янглишиш чексиз шаклда бўлиши мумкин, тўғри эса фақатгина бир шаклда бўлади. (Ж.Ж. Руссо)

### **ҚАСОС ЎРНИГА КЕЧИРИМЛИ БЎЛИНГ**

- Кечириш ва унутиш яхши инсонларнинг ўчидир. (Шиллер)
- “Кечираман, аммо унутмайман” дейиш, “кечиролмайман” дейишнинг бир кўринишидир. (Ҳенри Бечер)
- Бошқаларни тез-тез кечириб тур, аммо ўзингни асло. (Публисус Сайрус)

### **МУҲАББАТГА ТЎЛА БЎЛИНГ!**

- Оллоҳнинг барча яратганини сев.

Чўлларни ва барча қум зарраларини сев.

Барча япроқларни сев,

Ҳайвонларни сев, ўсимликларни сев, табиатни сев,

Бу севгини бир бора ичинга жойлаштира олсанг, уни ҳар куни янада яхши тушуниб, борлиқни қоплаган бир севги билан бутун дунёни севасан. (Достоевский)

### **ИНСОН ЭГА БЎЛГАН ВА БЎЛМАГАН НАРСАЛАРИНИ ФАРҚИГА БОРИШИ КЕРАК**

- Жоҳил инсонгина тақдирдан нолийди. (Шайх Саъдий)
- Бирор марднинг, қазо ва тақдир ўқиға қарши қалқони йўқ. (Шайх Саъдий)
- Тақдир ҳеч қачон иродамга тўсиқ бўлмади. (Наполеон)
- Инсон бешигини танлаши қўлидами? (Альфред де Виглей)

## **НИМА ФОЙДАСИ БОР?**

Франклин чакмоқ билан электр токини кашф қилганда ҳамма унинг устидан кулди ва ундан сўрашди:

– Буни бизга нима фойдаси бор?

Франклин шундай жавоб беради:

– Боланинг нима фойдаси бор? Аммо у келажакда буюк инсон бўлиши мумкин...

## **КЕМА КЎМИРЧИЛИГИДАН КЕМА КАПИТАНЛИГИГАЧА....**

Машҳур капитанлардан Мр. Лиднай 14 ёшида етим қолади ва иш топиш учун Глазговдан Ливерпулга кетмоқчи бўлганда, билет сотиб олишга пул топа олмайди. Кема капитани билан гаплашиб кўмирхонада кўмир ташиш эвазига сафарга чиқади.

Ливерпулда етти ҳафта ишсиз юради, бошпана топа олмай ташландиқ жойларда ётиб юради ва бир кемадан иш топади. Бу кемад аста-секинлик билан капитанликгача бўлган йўлни босиб ўтади.

У бу муваффақиятини шундай изоҳлайди:

“Муваффақиятимнинг сабаби шундаки, озига қаноат қилиш, сабр, тинимсиз меҳнат ва ўзим хоҳлаган ишни бажариш”.

## **ФАҚИРЛИК САБАБЛИ КЕЛГАН МУВАФФАҚИЯТ**

Буюк астроном ва математик Лагранжининг отаси Туринда юқори лавозимда ишлар эди. Отаси бир кўнгилсиз воқеа сабабли бор давлатини йўқотибди.

Лагранче фақирлик олиб келган ғам ва етишмовчилик туфайли тинимсиз меҳнат қилади ва математика соҳасида катта обрў-эътиборга эришади.

Кейинчалик қўлга киритган бу шуҳрати ва фаровонликни, бироз вақт камбағал бўлганлигига қарздор эканлигини ўйлаб доим шундай дерди:

– Агар бой бўлганимда, балки бундай яхши математик бўлолмасдим.

## **ЎТТИЗ ЙИЛ ИШЛАДИМ**

Венециялик аслзода ҳайкалтарошга ўз ҳайкалини ясаттирибди. Ҳайкалтарош хизмат ҳақига 50 сегуин сўради.

Аслзода аччиқланиб:

– Ўн кун ичида тайёрлаган ҳайкалинг учун қанақасига 50 сегуин сўраяпсан?

Уста шундай жавоб берибди:

– Сиз шуни эсдан чиқараяпсизки, мен ўн кун ичида тайёрлайдиган маҳоратни қўлга киритиш учун 30 йил ишладим.

## **МАҒЛУБИЯТГА БЎЙИН ЭГМАНГ**

Мағлубият ҳеч қачон бастакор Ҳанделнинг иродасини бука олмади, аксинча, фалокатлар уни ғайратига ғайрат кўшди.

Қарзларини тўлолмайдиган аҳволга келганда ҳам руҳияти синмади, кечаю-кундуз меҳнат қилиб, жуда кўп куй басталади.

Таржимаи ҳолида айтилганидек, у барча ишни чин кўнгилдан бажарар эди. Ҳеч кимни ёрдамига қараб қолмасдан, ўн икки киши қиладиган ишни бир ўзи қилган эди.

## **ИШИНИ НЕГА ЧИН КЎНГИЛДАН БАЖАРДИ?**

Бир дурадгор судянинг курсисини рандалаб таъмирлаётган эди.

Жуда ҳам берилиб ишлаётганини кўрганлар нега бунчалик берилиб ишлаётганини сўрашибди. Берилиб ишлаётган дурадгор шундай жавоб берди:

– Курсини жуда ҳам ажойиб қилиб таъмирляяпман. Қачонлардир устида мен ҳам ўтирсам роҳат қилай деб.

Ҳаёт ўйинини қарангки, маълум бир вақт ўтгач, дурадгор хуқук бўйича таълим олди ва ва ҳақиқатдан судя бўлди. Ўзи тайёрлаган курсида ўтирди.



## **ВАҚТ ҚАДРИГА ЕТИШ**

Алекс Д Тосуевилле 20 ёшида бир бой инсон ёрдами билан Версалда хисоб назоратчиси этиб тайинланади. У бу мансабни ҳалол эгалламаганини ўйлаб, ҳаётида барча нарсани ўз меҳнати билан қўлга киритишга қарор қилади. Истеъфога чиқиб шундай мансабидан ажралади, АҚШга кетиб эса Франциядан ҳам айрилади.

АҚШга қилган саёҳати давомида меҳнатсеварлиги ҳақида хамроҳи Густаве де Беаумонт шундай дейди:

– Унинг яратилиши ялқовликка душман эди. Бутун саёҳат давомида, керак бўлса дам олиш вақтларида ҳам тўхтамай ишлар эди. Унинг учун энг ёмон кун йўқотилган ёки бекор ўтказилган кун эди. Жуда қисқа вақтларни ҳам йўқотиш уни безовта қилар эди.

\*\*\*

– Вақт қилич кабидир. Сен уни кесмасанг, у сени кесади. (Шарқ хикмати)

## **МУВАФФАҚИЯТНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ ҲАРАКАТ ВА ҚИЙИНЧИЛИҚДИР**

Бир шоирнинг фикрича, Оллоҳ “ҳаракат” ва “қийинчилик” сўзларини жаннатга кетадиган йўлнинг устига қўйгандир. Инсонлар учун ўз меҳнати билан ишлаб топган нонидан ширинроқ ҳеч нарса йўқ. Меҳнат қилиш фақатгина зарурат ва мансаб учун эмас, балки бир раҳматдир.

## **МУВАФФАҚИЯТ УЧУН ДАВОМЛИ ИШЛАШ КЕРАК**

Энг содда нарсаларда ҳам, давомли бўлса, инсон ўзи кутмаган яхши натижаларга эришади.

Масалан ғижжак чалиш осон, фақат узлуксиз ва кунт билан ишлаш керак.

Гиардиндан бир йигит, ғижжак чалишни қанча вақтда ўрганиши мумкинлигини сўраганда:

– Кундузлари 12 соат ишлаб, йигирма йил машқ қилишинг керак,– деган жавобни олган.

## **МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШИШ УЧУН ДАҲО БЎЛИШ КЕРАК ЭМАС**

Муваффақиятга эришиш учун мутлақо дохий бўлишнинг кераги йўқ.

Ньютондан қандай қилиб кашфиёт қилганини сўрашганда:

– Доимо сабр қилиб ва ўйлаб, – деган маънода жавоб берган эди ва сўзларига шуни қўшимча қилган эди:

– Мавзунини доимо кўз олдимда тутар эдим. Кейин шафақ секин-аста ойдинлашишини сабр билан кутардим.

Кўплаб олимлар муваффақиятлари даҳо натижасида эмас, ҳаракат ва матонатли сабр билан тадқиқотлар натижасида қўлга киритганликларини айтишган.

### **ЧЕЧАК КАСАЛЛИГИГА ҚАНАЙ ҚИЛИБ ДАВО ТОПДИ?**

Эдвард Женнер дўконда ишлаб юрар экан, у ерга келган бир қишлоқлик қизнинг:

– Мен чечак касаллигига чалиндим. Чунки сигирлардан чечак касалини юқтирдим, – деганини эшитган эди.

Бу суҳбат Женнернинг эътиборини тортди ва бу мавзу устида ишлай бошлади. Фикрларини ҳамкасбига айтганда, унинг устидан кулди. У ҳеч нимага эътибор бермасдан фикрларини анатомия олими Жон Хунтерга очди.

Ундан шундай қизиқарли жавоб олди:

– Ўйлама, фақатгина тажриба қил. Сабрли бўл ва эринмай ҳаракат қил.

Ушбу тавсияларни олгач, Женнер янада иштиёқ билан ишга киришди. Фаолиятини тезлаштирди ва натижада чечак касаллиги давосини топиб тиббиётда ўчмас из қолдирди.

### **ИНСОН КУЧ-ҚУВВАТИНИ ЯХШИ ИШЛАРГА САРФЛАШИ КЕРАК**

Наполеоннинг энг ёқтирган сўзи шу эди:

– Энг ҳақиқий муршид, аниқ қарордир.

Унинг ҳаёти кучли ва қўрқув билмас ироданинг нималар қила олишини кўрсатган . Ундаги жасорат бошқаларга ҳам ўтар ва уларни кучига куч қўшар эди.

Аммо шунча фазилатига қарамай у муваффақиятга эриша олмади. Манмансираши ҳам ўзини, ҳам Францияни маҳв этди, ўлкани паришон қилди .

### **ДОҲИЙЛИК НИМА?**

- Доҳий фақат ҳуррият ҳавосидан нафас олиб юксалади. (Стуарт Милл)
- Доҳийликни бир фоизи илҳомдир, қолган 99 фоизи эса тер....(Томас Эдисон)
- Доҳийликни ёлғиз изтироб туғдира олади. (Андре Мауриос)
- Доҳийлик, бирозгина кўпроқ сабрли бўлишдан бошқа нарса эмас. (Буффон)

### **КЕЛАЖАК ТЎҒРИЛАНМАЙДИ**

Парижда машҳур давлат арбоби Леон Гамбеттанинг ҳайкали остига унинг шу сўзлари ёзилган:

- Келажакни бизга ҳеч ким тўғрилаб беролмайди.

### **ЭРТАНИ ЎЙЛАШ**

- Ҳаёт келажак билан бир тадрижий тўқнашувдир

Ҳаёт ўтмишда бажарилган ишларни тўплами эмас, келажакда нима бўлишни исташимиздир. (Ҳенрик Ибсен)

### **ТИКУВЧИЛИКДАН ПРЕЗИДЕНТЛИККАЧА**

Американинг президентларидан бири бўлган Андрю Жонсон ҳаётини тикувчилик билан бошлаган. Бир вақтлар тикувчи бўлганлиги ҳақида баҳс юритишаётганида у шундай деган эди:

- Ораларингдаги бир жентельмен мени тикувчи бўлганлигимни айтди. Бу мени хафа қилмайди. Чунки мен тикувчи бўлиб ишлаганимда

тикувчи сифатида одамлар орасида обрўйим бор эди. Ҳеч ким тиккан кийимларимдан камчилик топа олмасди. Мижозларим тайинлаган кунга кийимларини тикиб берар ва доимо ишимни чин кўнгилдан бажарар эдим.

\*\*\*

- Хақиқий инсон ўз касбининг ҳаққини адо этади ва тоза, ҳалол ишлайди.

## **МУВАФФАҚИЯТГА БЎЛГАН ИШОНЧ ЙЎҚОЛМАДИ**

Э.Бульвар Латоон роман, шеър, драма, хаттотлик ва сиёсат соҳаларида муваффақиятга эришган инсондир. У бу муваффақиятга секин-асталик билан эришган.

Дастлабки асари муваффақиятсизликка учраганди. Иккинчи асарининг номи “Фалкланд” номли роман бўлиб у ҳам муваффақиятсизликка учради. Агар унинг ўрнида асабийроқ бирор одам бўлсайди, ёзишни ташлар эди. Аммо Бульвар тўхтамади, муваффақиятга эришишига ишониб, фаолиятини тўхтатмади. Тинимсиз ишлади ва кўп ўқиди. Пировардида муваффақиятга эришди. Матонат ва сабр билан ишлаганлиги учун ўз ўрнини топа олди.

## **ХАТОДАН ҚУТУЛИШ**

Хато қилганингда шу уч нарсага амал қил: Қабул қил, дарс ол, такрорлама. (Паул Брянт)

Хатоларимизни фақатгина бошқаларда кўрганимиздагина таниймиз ва тузатишни ўйлаймиз. (Гутзков)

## **ГЎЗАЛЛИКЛАРНИ ТАДБИҚ ҚИЛИШ КЕРАК**

Гўзал феъл-атвор ва фазилат соҳиби бўлиш муҳим эмас. Муҳими, буларни ҳаётга тадбиқ этишдир. (Дескартес)

Хаёл сура оласанми?

Хаёлларим амалга олмади, деб ўзингни бечора санама. Асл бечоралик хаёл суришни билмасликдир. (Эбнер Эсенбач)

### **МУВАФФАҚИЯТ БАДАЛИ**

Ҳар куни балиқ овига чиқса бўлади. Фақат ҳар доим ҳам сават тўла ҳолда қайтилмайди. (Томас Манн)

### **МУВАФФАҚИЯТ ШАРТЛАРИ ШУЛАРДИР:**

Билмоқ, хоҳламоқ, журъат этиш ва жим туриш. (Ахел Мунте)

Муваффақият журъатнинг фарзандидир. (Бенжамен Дизраели)

### **ҚАНДАЙ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРДИНГ?**

Ҳеч ким сендан яхши, устун эмас. Аммо сен ўзингдан бирор эзгулик қолдирмаётган бўлсанг, билки, сен ҳам ҳеч кимдан яхши, устун эмассан. (Арнолд Беннет)

\*\*\*

Ҳаётдаги улкан муваффақиятларда тасодиф ва омаднинг жуда оз улуши бор.

Машҳур рассом Николас Пауссин , муваффақиятлари сирини шундай изоҳлайди:

– Бажарадиган ҳар ишни, энг яхши шаклда бажаришга ҳаракат қил!

Бир дўсти ундан Италян рассомлари ўртасида қандай қилиб катта шуҳрат қозонганини сўраганда:

– Мен бажаришим керак бўлган ҳеч бир нарсани назаримдан қочирмадим, унга бепарво бўлмадим, – деб жавоб берди.

## **ДИҚҚАТ ИЛҲОМ БЕРАДИ**

Инсонлар орасидаги энг катта фарқлардан бири диққатдир. Кўзлари қаршида осифлиқ турган оғирликни маълум бир қоида асосида бориб келишини Галилейдан олдин бир қанча одамлар кўрган эди. Аммо Галилей бу ҳақиқатни биринчи бўлиб сезади.

Самуэл Бровн яшаган Твед дарёсига камроқ харажат қилиб кўприк қурмоқчи бўлади.

Боғда кезар экан, ўргимчак уясини кўриб қолади ва пўлат симлар ва занжирлар ёрдамида осма кўприк қуриш мумкинлигини ўйлаб топди.

Натижада унинг ижоди сифатида осма кўприк кашф этилди.

### **ЯХШИ НАРСАЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТИШ УЧУН НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?**

- Янада оз кўрк, кўпроқ умид қил...
- Камроқ е, кўпроқ ҳаракат қил...
- Камроқ ноли, кўпроқ нафас ол..
- Камроқ нафратлан, кўпроқ сев.

Ана шунда барча яхши нарсалар сеники бўлади. (Швед мақоли)

– Қишда иссиққина уйда ўтиришни хоҳлаганлар, ёзда тер тўкишга мажбурдир. (Жакобсен)

### **МАШАҚҚАТЛАРГА РАҲМАТ АЙТИНГ**

Йўлингизга машаққатлар чиқадиган бўлса, уларга раҳмат айтинг. Бу машаққатлар сизни сабр-бардош ва матонатингизни синаш учундир. Сиз машаққат сабабли янада сабрли бўлишга ҳаракат қиласиз. Аммо сабрли бўлолмаган нима бўлади? Асл маърифат кўрсатилган ғайратдир, муваффақият эмас. У инсон ютса ҳам, ютқазса ҳам аҳамияти йўқ, шараф медалига лойиқ бўлмайди. (В. М. Пунсон)

### **САБРСИЗЛИК ЎРНАГИ**

Насриддин Ҳўжа боғига дарахт экибди ва ундан ҳосил олмоқчи бўлибди.

Нихолни ўғирлаб кетишмасин, деб кечалари суғуриб уйига олиб кирар ва эртаси куни қайта жойига экиб қўяр эди. Маълум вақт ўтгач, ниҳол куриб қолди...

### **ШИРИН СЎЗ — ЖОН ОЗИҒИ**

Эрнест Гент бир хизматчи қиз ёллаган эди. Нели исмли бу хизматчи қиз тозаликка унчалик эътибор бермас эди. Бир куни Эрнест унга:

– Сен илгари ишлаган жой билан гаплашдим. Сени номусли, ҳалол, қўли гул пазанда эканинг ва болаларга меҳрибон эканлигингни, аммо тозаликка унчалик эътибор бермаганингни айтишди. Мен бу гапга унчалик ишонмайман. Чунки сен тоза кийинадиган ва бутун уйни тоза сақлайдиган оқила саранжом-сараштали қизсан.

Гентнинг бу сўзлари ўз таъсирини кўрсатди. Нели Гентнинг ишончини оқлаш учун яхши ишлар, уй тозалигига ҳам катта эътибор берар эди.

### **ДЎСТЛИК ЭЪТИБОРНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ**

Агар сиз атрофингиздагиларга эътиборли бўлмасангиз, улар сизга нега эътибор беришсин?

Биз бошқаларда яхши таассурот қолдириб, уларни биз билан кизиқишини кутсак, ҳеч қачон самимий, ҳақиқий дўст бўла олмаймиз.

Дўстлик кутиш билан эришилмайди, эътибор ва ҳурматини кўрсатиб қўлга киритилади.

### **ТЕЛЕФОНДА ЭНГ КЎП ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН СЎЗ**

Нью-Йоркдаги телефон ширкатларининг бири телефон суҳбатларида энг кўп қўлланиладиган сўзни топиш учун катта тадқиқот олиб борди.

Бу қайси сўз эканлигини сиз ҳам тахмин қилган бўлсангиз керак. Бу сўз: Мен...

500 суҳбатда бу сўз 3990 марта қўлланилган.

### **БИРОР-БИР НАРСАНИ ЎРГАНИШИНИНГИЗДА ЁШИНИГИЗ ТЎСИҚ БЎЛМАСИН**

Жеймс Ват 40 ёшида французча, немисча ва италянчани ўрганган эди.

Иброний тилни ўрганишни бошлаганда Томас Скотт 56 ёшда эди.

Баккио адабиётни 35 ёшида, Альфиери эса юнончани ўрганишни 46 ёшида бошлаган.

Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол 50 ёшдан кейин инглизча ўрганди ва В. Шекспирнинг асарларини таржима қилди.

Бу каби мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Демокчи бўлганимиз “Ўрганишда ёшнинг аҳамияти йўқ”

Ўқиш-ўрганиш учун ёшим ўтиб қолди, энди қаридим, деганлар фақатгина ялқовлик ва сусткашликларини кўрсатишади.

### **ТАҚДИРНИНГ ИНСОН ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ**

Бундан кўп йиллар олдин Лондонда яшаган ёш йигит ёзувчи бўлмоқчи бўлади. Аммо ҳамма нарса унинг зарарига эди. Мактабга фақатгина тўрт йил боради холос. Сичқонларга тўла ташландиқ жойда узун шишаларга этикетка ёпиштириб пул топар эди.

Дастлабки асарини ойдin кечада одамлар ширин уйқуга кетганига ишонч ҳосил қилиб, почта қутисига солиб қўйди.

Барча ёзган асарлари дастлаб рад этилар эди. Ниҳоят бир куни ёзган асари қабул қилинади. Гарчи унга пул берилмаса ҳам, аммо бир ношир унинг ҳикоясини нашр қилдирган эди. Бу воқеа ёш йигитни жуда ҳам бахтли қилади ва шунингдек ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборди. Бу йигитни биз яхши таниймиз. У машҳур ёзувчи Чарльз Диккенс эди.

### **КАМБАҒАЛЛИК ЎЗ УСТИНГИЗДА ИШЛАШИНГИЗГА ТЎСИҚ БЎЛМАСИН**

Инсонларни муваффақиятга эришишларида фақирлик ҳеч қачон тўсиқ бўлмаслиги керак. Машҳур тилшунос Александр Мурай, дастлаб асар ёзишни эски машина устида, учи куйган бир таёқ билан ҳарфларни ёзишни ўрганган.

Фақир чўпон бўлган отасининг фақатгина бир донагина китоби бўлиб, уйда бошқа ҳеч қандай ўқигани китоб йўқ эди. У китобни ҳам ҳамма ўқиб, йиртилмаслиги учун яқшанба кунлари ўқигани берар ва қолган кунлари китоб жавонида сақларди.



\*\*\*

Профессор Мор китоб сотиб олишга қурби етмаганлиги учун, бир дўстидан Ньютоннинг “Принципиа” китобини олиб туради ва бошидан охиригача уни қўлда кўчириб олади.

### **ЭНГ ЯХШИ ТАРБИЯ ИНСОННИНГ ЎЗИГА БЕРГАН ТАРБИЯСИДИР**

Вольтер Скотт доим шундай дер эди:

– Инсон учун энг гўзал тарбия, унинг ўз-ўзига берган тарбиясидир.

Бу ҳақиқат, адабиётда, илм-фанда ва саънатда шухрат топган ҳар бир инсон учун мос келади.

### **ТУРЛИЧА ҚАРАШ**

Дияген карамларни ювиб ўтирар экан, ёнидан ўтаётган Аристоппосга:

– Карам билан яшашингни билсайдинг, бирор золимга лаганбардорлик қилмас эдинг,— дебди.

Аристоппос ҳам:

– Инсонлар орасида яшашни билсайдинг, бундай карам ювиб ўтирмасдинг, – деб жавоб берибди.

Эътибор беринг, ақл турлича қарашларни инсонга қандай қабул эттиради. Икки тутқичли сопол чўмич – истасанг ўнгидан тут, истасанг чапидан.

\*\*\*

Солонга ўғли ўлганида бекорга кўзёши тўкишнинг фойдаси йўқлигини айтишади.

– Кучсиз ва фойдасиз бўлганлари учун тўкилишлари яна ҳам яхши-ку, – деб жавоб беради Солон.

\*\*\*

Сукротнинг хотини:

– Бу инсофсиз ҳакамлар сени айбсиз бўлсанг ҳам ўлдириб юборишяпти, – деб йиғлаб шикоят қилганида Сукрот:

– Агар ҳақли ўлдириб юборишса яхшироқ бўлармиди? – деган.

### **АХМОҚ КИМ?**

Бир қишлоқда бир ахмоқ яшар эди.

У билан ҳамма қизиқар эди.

Бу одамнинг ўзига хослиги – олдида битта юз минглик, битта эллик минглик, битта ўн минглик қўйилса, юз минглик қўйиб ўн мингликни олар эди.

Бир куни уни ёлғиз ҳолда учратиб қолишиб сўрашибди:

– Нега юз минглик ўрнига ўн мингликни оласан?

Атрофига қараб ҳеч ким йўқлигини кўргач деди:

– Жуда оддий. Юз мингни олсам ундан кейин бу тажрибани ҳеч ким такрорламайди-да!

### **ОМАДЛИ ИНСОН КИМ?**

Ким яхши яшаса,

Кўп кулиб, кўп севилса,

Ким олим одамларнинг ҳурматини қозонса,

Ким уй қуриб бурчини бажарса,

Бир саънат асари, ажойиб бир шеър ёки инсонлардан фойдаланадиган нарса қолдирса,

Ким дунёда топганидан яна-да яхшироғини қолдириб кетолса,

Кимнинг ҳаёти инсонларга илҳом бера олса,

Ким бирор бир ишда шукр қилиб олдинга олға юрса, ана шу инсон омадли бўлади. (А. Станлей)

### **ҲОЗИР БЎЛМАСА ҚАЧОН?**

А. Каррел “Эртага деган бир гап бўлмайди” деярга эди.

У жуда ҳам ҳақли.

Инсон доимо бугунни ўйлаб керакли тадбирларни кўриб бугунги вазифасини тўлиқ адо этса, эрта учун қайғурмайди.

Бугуннинг кадрили билмай, ишини доимо чала қиладиганлар учун эрта ҳам бордир.

“Бажарамиз, қиламиз, кўрамиз...” деювчиларга энг чиройли жавоб:  
“Ҳозир бўмаса қачон?...” сўзидир.

“Эртани бугун билан сотиб ол!” деган гап тўғри эмасми?

## **ОЛДИНГА ИНТИЛИШГА МАЖБУРМИЗ**

Ториқ бин Зиёд Андалусияга келгач аскарларига шундай хитоб қилган эди:

– Ҳозирлар! Биз шундай юксак мавқедамизки, олдимизда душман, орқамизда денгиз! Олға юришдан тўхтаманг. Чунки олдинда ғалаба ва ўлжа бор. Лекин орқага қайтишдан қўрқинглар. Зеро, орқада денгизда димиқшдан ва кумда бўғилишдан бошқа натижа йўқ. Йўқликка учраш ёки неъматларга етиш сизнинг қўлингиздадир. Ғайратли ва мард бўлинг. Бурчингизни адо этиб, тинчликда ҳам, урушда ҳам унга содиқ қолинг.

Ҳужум қилсангиз енгасиз. Қочсангиз енгиласиз. Ўлимдан қўрқадиганлар қочмасин, зероки қочса ўлиши шубҳасиздир.

## **ҚИЗИҚ ЭЪТИРОФ**

Паёми Сафонинг қалами, дўстларидан бирининг таъбири билан айтганда ”ишлашга мажбур эди,” акс ҳолда оч қолар эди.

Ёзувчига кўра, инсонга камбағаллик ва касаллик ўргатадиган нарсаларни бирор мактаб ва китоб беролмайди.

## **ДИҚҚАТ!**

Наполеон Париждан ўтар экан, бир одам оломонни ёриб ўтишга ҳаракат қилиб, олдинга интиларди.

Аммо кўчани кўриқлаётган аскар, уни ўтказмади.

Императорнинг ёнига боришни истаган бу одамга Наполеоннинг кўзи тушгач:

- Кўйворинг келсин! – дея буйруқ бергач, “Дикқат ҳурмат!” деди баланд овозда. Бутун аскарлар ва у ердаги оломон ҳурмат бажо келтирди.

Бу одам Наполеонни ўқитувчиси эди....

### **ЧАРЧОҚНИ ҚАНДАЙ ЧИҚАРДИ?**

Суҳейл Унвер, “ебру” мавзусида конференция ўтказаетган эди. Ёпиқ хона лиқ тўла. Барчани қизиқтирмаган мавзу ҳақида гапириш албатта қийин.

Проф. С. Унвер марузани бошлашдан олдин шундай дейди:

- Ҳурматли тингловчилар, мени диққат билан эшитинг. Марузамда бирини сўкиб ўтаман.

Профессор икки соатлик марузасини тугатади. Ҳамма диққат билан уни эшитади.

Тингловчилардан бири профессорга яқинлашиб:

- Устоз, сўкиб ўтишни унутдингиз! – дейди.

Суҳейл Унвер:

- Менга қандай қилиб сўқинишни раво кўрасизлар? – дейди.

### **МАҒЛУБИЯТ ЯХШИ БИР УСТОЗДИР.**

- Муваффақият инсонга кўп нарсаларни ўргатмас.

Аммо муваффақиятсизлик инсонга кўп нарсаларни ўргатади.(Хитой халқ мақоли)

- Енгилгач, умидсизликка тушма.
- Ҳар бир мағлубиятда бирор ғалаба орзуси ётади. (Герман Мартин)
- Муваффақиятсизлик кучга куч қўшади. (Саинт Эхуперй)
- Енгила енгила енгишни ўргандим. (Рус Чари Дели Петро)